

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**



“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

Материалшунослик ва рангтасвир техника технологияси фани бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим соҳаси:	150 000	–	Санъат
Таълим йўналиши:	5150800	–	Рангтасвир (маобатҳли)

Тошкент 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

“Тасдиқлайман”

Ўқувчилари бўйича проректор

Б.Хаджиметов

“19” август 2018 йил

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

5150800 – РАНГТАСВИР (МАҲОБАТЛИ)

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ВА РАНГТАСВИР ТЕХНИКА
ТЕХНОЛОГИЯСИ
фанининг

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент 2018

2

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 24.08 даги 603 -сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

У.Ражабов. - К.Бехзод номидаги МРДИ, "Маҳобатли рангтасвир" кафедраси ўқитувчиси.

Такризчилар:


Д.А.Нозилов. - ТАҚИ профессор, архитектура фанлар доктори.

Абдуллаев С.А. - МРДИ "Дастгоҳли рангтасвир" кафедраси профессори, академик, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби

Ўқув услубий мажмуа "Маҳобатли рангтасвир" кафедрасининг 2018 йил 19.08 даги 1 -сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири :  Ш.Жуманиязов

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Тасвирий санъат факультети Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (2018 йил 30.08 № 1 -сонли баённома).

Факултет кенгаши раиси:  А.А.Юсупов

Ўқув-услубий мажмуа Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2018 йил "29" 28 даги 11 -сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

Ўқув бўлими бошлиғи:  Қ.Қодиров

МРДИ, 2018 йил

М У Н Д А Р И Ж А

№	Бўлимлар	Бет.
1	Ўқув материаллари	5
1.1	Маъруза матнлари	5-68
2	Мустақил таълим машғулоти	69-70
3	Глоссарий	71-73
4	Иловалар	74
4.1	Фан дастури	74-81
4.2	Ишчи фан дастури	82-89
4.3	Тарқатма материаллар	90-93
4.4	Тестлар	94-95
4.5	Баҳолаш мезонлари	96
4.6	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты	

1. Ўқув материаллар.

1.1. Маруза матнлари

**2-курс 3-семестр. Кириш: Семестр давомида рангтасвир
технологиясини ўрганишда талаба ўзининг автопортретидан
фойдаланган ҳолда босқичма-босқич рангтасвирда изланишлар олиб
бориш**

1. Портрет (4та босқич бўйича).
2. Портрет жанри.
3. Портрет яратишда керакли манбааларни адабиётлардан ўқиб ўрганиб изланишлар олиб бориш.
4. Спектр ранглар
5. Рангтасвирда қора ранг
6. Ранг туси хусусияти
7. Контраст ранглар
8. Лиссеровка
9. Ёруғлик ва рангнинг моҳияти
10. Умумий чизикларни кўриб чиқиш ва таққослаш.
11. Рангни хавойи хусусияти
12. Тузатишлар олиб бориш
13. Нусха кўчириш жараёни
14. Асардан нусха кўчириш жараёни
15. Калькага тушириш
16. Қайта ишлаш
17. Якуний иш
18. Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш

1-мавзу. Портрет (4та босқич бўйича).

Биринчи маротаба натура ишлашда моделга унча очик рангда ёки қора тўқ рангда кийим кийгизмаслик керак, чунки бу ранглар одам юзининг рангидан фарқ қилиши лозим. Одам бадани иссиқроқ рангда бўлади. Шунинг учун натурачи оч кулранг ёки яшилроқ, кўкроқ рангда кийинган бўлса яхшироқ бўлади. Натурачини девордан ярим метр узоқликда тутиш керак. Агар девор очикроқ кулранг, кўкимтир бўлса, унда фонда ҳеч нарса қўшмаслик керак, борди-ю, агар у қора, тўқ ёки рангли бўлса, унда фон учун бўз ёки тўқ бўлмаган оч кулранг мато тортиш керак. Ранг жиҳатидан эса ёритилишига қараб уларнинг ранги ҳар хил тусда бўлади. Талабалар бу натурани ишлашда биринчи галда ишнинг композицион ва қурилиш қоидаларига эътибор бериб, босқичлар асосида оддийдан мураккабга, умумийликдан майдага ўтиш ва аксинча, майдадан умумийликка қайтиш қоидасига риоя қилишлари керак. Ҳар бир талаба ишнинг композицияси ёки қурилишини эмас, балки унинг соя-ёруғлик, умумийлик ҳолатларини тахмин қилиб текшириб бориши билан бошнинг ҳақиқий шаклини тўғри тасвирлай олиши керак. Натурани чизиб бўлгандан кейин уни бўяшга киришилади. Рангда ишлашда акварелга ўхшаб суюқроқ ранг билан ишланади. Унда натурадаги ҳар хил рангларни бир-бирига бўлган муносабатлари, уларнинг тўқ- очлиги аниқ қилиб олинади.

Бошнинг фақат ҳар хил мураккаб ҳолатларини ишлаш эмас, балки индивидуал (шахсий) психологик характерини бера олиш ҳам муҳим. Энди рангларни қалин мазокларда ишлашга ўтилади. Кўз, бурун, оғиз, қулоқ ва бошқа деталлар кичкина чўткада ишланади, моделнинг майда бўлақларини ёзиш билан бирга унинг яхлитлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Натуранинг шаклига қараб тус бериш тасвирнинг ёруғлик юзасини белгилаш ёки унга аниқлик киритиш учун зарур, чунки соя юзаларини тус бериш йўли билан беркитиш тасвирда чуқур ҳамда тўқ соя берибгина қолмай, балки юмшоқлик сезгисини ҳам ҳосил қилади. Иш бошида икки- уч рангнинг бир-бирига бўлган муносабатини аниқ олиш керак, шундан кейин ишни олиб

бориш осонлашади. Улар асосан юз, кийим ва фоннинг бир-бирларига бўлган муносабатлари бўлиши керак. Буларнинг умумий муносабатлари турлича, қай бири қайси рангда, совуқроқ, иссиқроқ, кучли, ўртача бўлиши ҳам аҳамиятга эга.

Масалан, юз ва кийимнинг соя жойларини ҳамда ёруғ жойларининг нисбатини сояларга қараб олиш керак. Фонни ҳам шуларга нисбатан олиш керак. Тананинг баъзи жойлари девор фонида (силуэт) тўқ бўлиб кўринса, бошқа жойлари эса аксинча, оч бўлиб кўринади. Оч рангдаги кийимларда соя ранглари ёритилган бурмаларнинг рангидек аниқ кўринади. Талабалардан моделнинг майда бўлақларини ишлаш билан бирга яхлитликни сақлаш, ёзилаётган бошнинг шахсий-психологик ҳолатини ҳам бериш талаб қилинади.





2-мавзу. Портрет жанри

Жанр деганда, одатда, бадий асарнинг маълум тури тушунилади. Нафис тасвирий санъатда турли-туман жанрлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир биридан мазмун ёки тасвирлаш услубида кўринади. Тасвирий санъатнинг асосий жанрлари қўйидагилардап иборат: тарихий, жанг манзараларини тасвирлайдиган, маиший, пейзаж, портрет ва ҳакозолар.

Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрлари қайсидир маънода инсон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилали. Санъатда ҳар доим инсон асосий уринда бўлиб, унинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, рухияти, ҳиссиёти ва шунингдек ҳар хил томонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Нафис тасвирий санъатда, ҳайкалтарошлик ва графика жанрларида инсон чехраси -портрет тасвири асосий ўрин эгаллайди.

Портрет- инсон образини яратиш –тасвирий санъатда энг мураккаб жанр ҳисобланади.

Тасвирий санъат тарихига назар ташласак шу нарса маълум бўладики, нафис тасвирий санъат турларидан бўлган миниатюраларда ҳам рассомлар инсон қиёфасини —портретини яратишга ҳам катта эътибор берганлар.

XIV асрда яратилган «Угедей Каан ва хотини Туркон —Хотун» ва «Хулачухон ва хотини портрети»ни олайлик. Ясси фонда мутуллар одатича тушалган тушакларда персонажлар қатор ўрнашган, улар миниатюранинг бир фазосини эгаллаган ва гўё «идеал» хукмдор ва маликанинг олий даражали эканлигидан гувоҳлик беради. Кишилар гавдасининг ҳаракатчанлиги кийимларидаги нозик гулларни очиб турибди.

Рассом портрет ишлашда инсоннинг характер- хусусиятларини аниқ, ва тушунарли қилиб очиб бера оладиган композиция топиши керак.

Томошабинни инсоннинг юзига ва бош қисмига диққатини тортиши керак. Портретда асосий қисм- бу юз ва чехрасидир. Юз орқали инсоннинг ички дунёсини акс эттириш мумкин бўлади. Чехраси орқали унинг характерини тула ва ёрқин акс эттиришни излаш керак. Шунинг учун ҳам юз бичими диққатни тортиши ва долган иккинчи даражали қисмлари асосий қисмини очиб беришга ёрдам бериши керак.

Тасвирланаётган кишининг характерини очиб беришда унинг кузи ва лаби катта аҳамиятга эга. Булар унинг ички дунёсини акс эттиришда асосий калитдир. Кўзни тасвирлашда рус рассомларидан Рокотов, Левицкий, Боровиковский, Брюллов, Репин, Серов кабилар катта муваффақиятга эришганлар. Портретда инсоннинг қўли тасвири ҳам катта аҳамиятга эгадир. кул орқали унинг касбини, соғлиғини, характер хусусиятларини англаб олиш мумкин. Рассомлик касбига хос қўл характери Брюлловнинг «Автопортретида» ажойиб ишланган.

3-мавзу: Портрет яратишда керакли манбааларни адабиётлардан ўқиб ўрганиб изланишлар олиб бориш.

Талаба буюк рассомларнинг рангтасвир ёки чизматасвир асарлари билан танишиб, ўрганиб амалда асарларни асл нусхасидан, ўқиб ўрганиш учун нусха кўчириб боради. Ушбу жараён талаба учун ўта масъулиятли ҳисобланиб, асар таг асосидан бошлаб грунт, мой қатлами иш усули технологияси жараёнини мантиқан англаб олиб, ҳар асарни ўзига хос сатҳи, мактабларга оидлигини аниқлаб, керакли адабиётлар билан танишиб барча услубий жараёнларни пухта ўрганиб боради.

Бу жараён аниқ тасвирлашни, кўзн чиниқтиришни, рассомни имтизомга ва эстетик дидини оширишга хизмат қилади, тарбиялайди. Тасвирлаш жараёнида жонли одамларни ишлашга нисбатан, яъни кўз, соч ранг тусини кўрсатиш каби мураккаб талаблар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам иш бошида рассомлар учун жуда қулай. Жонли одам бошини чизишда талаба бир қанча мураккаб шакллар тузилмасидан энг муҳимини ажратиб олиш вазифаси туради.

Ранг муаммоси ҳақида ҳозирги вақтда ҳам кўпгина фан соҳаларида илмий ишлар олиб борилмоқда. Физика фани ранг табиий қуввати билан қизиқса, физиология – одам кўзи орқали ёруғни сезиб рангга айлантиришни, психология – рангни идрок қилиш муаммоси ва унинг инсон руҳиятига таъсир қилиб ҳар хил хис — туйғу ҳосил қилиши, биология —тирик жониворлар ҳаётида рангнинг роли ва аҳамияти билан қизикади.

Мукаммал ранг назариясига ва амалиётига эга булган рассом ранг орқали бадий образ яратишга эришади.

Композицияда ҳам ранг катта ўринда туради. Рассом қандай асар яратмасин биринчи навбатда ранга эътибор бериши, изланиши муваффақият келтириши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, бадий кўرғазмаларда кўпдан-кўп асарларни томоша қилар экан, кнду рассомларнинг услубинигинна ўрганман, уларнинг.

Бинобарин бундай эстетик завқ оламиз, қўшимча билим, тасаввурлар ҳосил қиламиз.

4-мавзу: Спектр ранглар

Ранглар инсонларни қадимдан қизиқтириб келган. Инсон ҳар доим ўз ҳаёти даврида теварак-атрофи, муҳити рангли буюмлардан, манзаралардан, шакллардан, кийим-кечаклардан ва шу кабилардан ташкил топганини кўради. Улардан маънавий, рухий озуқа олади. Ўзига маъқул келган рангдаги нарсани ишлатади. Рухига мос ранглардан хурсанд, руҳи тетик бўлади, қувонади.

Шундай экан, биз рангга эътибор берамиз, унга диққат билан қараймиз, танлаймиз. Ана шунинг учун ҳам рангшунослик фани инсонга яқиндан хизмат қилади. Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиш ва тарқалиш ҳодисаси қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Уйғониш даври буюк рассомлари ва назариётчилари - Леон Баттиста Алберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар ранг-тасвир ҳақидаги асарларида рангларнинг хусусиятлари ҳақида ёзганлар. Машҳур олимлар - Ньютон, Ломоносов, Глимголслар рангларнинг моҳиятини илмий асосда текширганлар. Исаак Ньютон қатор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғлик кўп рангларга тақсимланиб кетишини исботлаган, экранда спектр рангларини ҳосил қилган. Ньютон қуёш ёруғлиги асосида ўз назарий фаразини амалда исботлади. Бунинг учун Ньютон қуёшнинг оқ ёруғлигини уч қиррали призмадан ўтказиб, экранда ҳар хил ранглардан иборат кенг ёруғлик дастаси ҳосил қилди. Экранда кўринган ранглар спектр ранглар бўлиб, улар қуйидаги тартибда жойлашган: қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, зангори, кўк ва бинафша ранг.

Махсус асбоб - спектроскоп ёрдамида кўплаб аниқ ва равшан спектрларни ҳосил қилиш мумкин.

Оқ ёруғлик аслида мураккаб бўлиб, рангдорлик жиҳатидан шунчалик турли-туманки, бир рангдан иккинчисига ўтишдан яна бир қатор ранг

турлари сезилади. Спектр рангларни ёмғир ёғиб ўтгандан кейин осмонда пайдо бўладиган камалакда, фаввораларда отилаётган сув зарраларида кузатиш мумкин. Спектр ранглари бир жойга тўпланса, оқ ёруғлик ҳосил бўлади. Ньютон рангларни физика фани нуқтаи назаридан ўрганган бўлса, немис шоири ва санъатшуноси И.В.Гётени кўпроқ рангларнинг киши танасига кўрсатадиган таъсири қизиқтирган, Гёте “Ранглар ҳақидаги таълимот” номли асарида рангларни илиқ ва совуқ турларга ажратиб, илиқ (сарғиш-қизил) ранглар кишида кайфичоғлик туйғусини уйғотиши ҳақида ёзган. XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л.Глимголс рангшунослик назариясида муҳим янгилик яратди. Кўп йиллик тажрибалар асосида хроматик рангларни ранг тони (номи) рангнинг оч-тўқлиги ва тўйинганлиги каби учта асосий аломати асосида туркумлаш кераклигини кўрсатади.

Биз атроф-муҳитни кузатганимизда нарсаларни рангли ва рангсизга ажратамиз. Рангли нарсалар, яъни қизил, сарик, кўк, бинафша, мовий каби турлари хроматик (рангли) деб юритилади. Албатта, улар бир-биридан ранги, туси билан фарқ қилади. Рангсиз нарсалар эса фақат туси билан фарқ қилади. Булар оқ, кулранг, қора тусли бўлиб, улар ахроматик ранглар деб юритилади.

Ранг муаммоларини ўрганишга япон олимлари ҳамиша жиддий муносабатда бўлганлар. Ҳозирда ҳам дунёда ягона Токио ранг институтида инсонга таъсир этадиган табиат ҳодисаси бўлган ранг илмий асосда тадқиқ этилади.

Кўзнинг спектр сезиши. Одам кўзи ахроматик ва хроматик рангларнинг 10000 хил ранг тусини фарқ қила олади. Шунинг билан бирга кўз ўртача ёрқинлик даражасидаги спектрнинг (бинафша, зангори, мовий, яшил, сарик, зарғалдоқ, қизил) 180 хил ранг тусини аниқлай олади.

Инсон кўзи орқали атрофидаги маълумотни қабул қилиб олади. Кўз катакчалари қатлами жуда сезгир бўлиб, марказий асаб тизими билан боғланган. Қоронғуликда кўз, атроф-муҳитни оқ-қора (ахроматик) ранг тусларида қабул қилади. Кундуз куни эса кўп рангли (хроматик) тусдаги тасвирни кўради.

5-мавзу: Рангтасвирда қора ранг

Рангтасвир саводхонлиги назариясини доимий равишда ўрганиб бориш тасвирий санъат таълими муваффақиятини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Рангтасвирнинг мустаҳкам назарий қонун қоидаларига таянибгина, ёш рассом амалий кўникмаларга эга бўлиши мумкин ва ижод йўлига кириб боради.

Тасвирий санъат тарихида рангтасвирга ўргатишнинг амалиёти билан боғлиқ катта тажриба тўпланган. Услубий адабиётда техник ва технологик маслаҳатлар билан бойитилган қимматли маълумотлар тўпланган. Назарияга келсак, бу соҳада тарихий мерос етарли эмас.

Булардан ташқари рангтасвир таълимининг назарий курси таркибига чизматасвирнинг рангтасвирдаги етакчи роли, ҳавоий перспектива, ёруғ -соя қонунлари, тасвирий юзада тасвирланаётган ашёларнинг ҳажмий, моддий, маконий сифатларини етказиш қоидалари, тасвирни тус ва ранг бутунлигига эриша олиш сингари масалалар ҳам киритилиши зарур.

Чизиқлар ва битта рангда (бўёқда) ҳам ажойиб портрет ёки картина яратиш мумкин.

Рангтасвир санъати борлиқни билишни ифодали воситаларидан бири ҳисобланади. Рангтасвир асарларидан бадиий образ яратилади. Бунда рангларнинг таъсирчан кучидан фойдаланилади. Ранг орқали нарсалар ҳажмини, материални ва инсон ички кечинмаларини, фазо кенгликларини, тоғу-тошларнинг улуғворлиги-ю, ўсимликлар дунёси ҳамда инсониятнинг бой тарихини ифодалаш мумкин. Рассомлик бу шундай санъатки, рассом тамонидан бўёқларда ишланган расм бизни худди ҳаётдаги каби ҳаёжонга солади. Рассом бўёқ ва чизиқлар воситасида юз ва ҳаракат ифодасини соя ва нур ёруғлигини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам яхши асар, агар у ёрқин, тиниқ бўёқларда ижро этилган бўлса шодлик кайфиятини уйғотади. Демак, рассомлик санъатида асосий тасвир воситаси ранг бўлиб, тасвир турли

ранглар ва бир рангнинг бир неча кўриниши (оч, тўқ ва хакозо)дан фойдаланиб ҳосил қилинар экан.



6-мавзу: Ранг туси хусусияти

Қуёш ёруғлигининг нур тарқатиши узунлиги ва ранги хилма - хилдир. Ёруғлик тўлқинининг узунлигига қараб, кўзимизга таъсир қилади ва шу боис у ёки бу рангни сезамиз.

Қуёш нурининг спектрига кирувчи ранглар тубандаги нур тўлқинига тўғри келади. (ммкда):

Бинафша (фиолетовый) 400 -430

Кўк (синий) 430 - 470

Зангори (голубой) 470 - 500

Яшил (зелёный) 500 - 535

Сариқ (жёлтый) 535 - 595

Қовокранг (оранжевый) 595 - 620

Қизил (красный) 620 -700

Одам кўзи нури қувватини ранг кўриниша сифатида нур тўлқинини 400 дан 760

манометргача қабул қила олади. Спектр ранглар тарқалиши доирасидаги тўлқин узунлиги ўлчов бирлиги манометр (нм) 1.110- 3 мк (микрон) 1.10 - 6 мм (миллиметр).

7-мавзу: Контраст ранглар

Контраст - франсузча сўз бўлиб, кескин фарк фарқланиш маъносида қўлланилади. Нақш да ранглар контрастини замин ва гул элементлариинг турланишида кузатиш мумкин.

Контрастлар (зидликлар) устида ишлаш. Контраст тушунчаси ҳаётимизнинг деярлик ҳар жабҳасида учрайдиган ҳодиса. Бу тушунча икки ҳолатнинг қарама-қаршилигидан, яъни тун ва кун, ёз ва қиш, яхши-ёмон, катта-кичик, иссиқ-совуқ, ўткир-ўтмас, юмшоқ-қаттиқ, аччиқ-чучук, калта-узун, кулги-қайғу, оқ-қора, қизил ва яшил ва бошқалар ҳар доим ёнмаён бўлиб, бир бутун контратсликни ҳосил қилади.

Ана шу зиддиятлар асосида тузилган нақш, тасвирий асар, шакллар жозибали, таъсирчан, эсда қоларли бўлиши мумкин.

Агар бир хил шаклни турнақатор қилиб жойлаштириб чиқсак анча зерикарли композиция, аксинча бир шаклни ёнига бошқа иккинчи турдаги шаклни қўйиб жойлаштирсак албатта қизиқарли композиция ҳосил қилишимиз мумкин.

Тубандаги нақшларга назар солсак ҳар хил калта ва узун, эгри, катта ва кичик шакллардан тузилганлигини кўриш мумкин. Ранг беришда ҳам оч ва то ўқ, иссиқ ва совуқ ранглар ёнма-ёнлиги нақшнинг чиройли чиқишига ёрдам берганини кўрамыз.

Рангтасвирда эса контрастни ёруғ (ёркин) ранглар ва қуюқ тўқ-қорамтир ранглар, шунингдек образлар зидлигида кўриш мумкин.

Контрастдан фойдаланиш — бу композицияда ички курашни

ҳосил қилиш, жонлаштириш ва қарама-қаршиликлар мувофиқлигини ҳосил қилишдан иборат.

Контраст ҳар қандай шаклни жонлантиради, аммо зид мослик учун тўла кафолат бермайди. Мақсадга эришиш учун композицияга боғланиб, мутаносибликни, яққолликни ҳосил қилиш зарур. Контраст композицияда меъёри билан ишлатилса муваффақиятли чиқишини кафолатлайди.

Контрастдан тўғри фойдаланиб яратилган асар томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади. Асарнинг яхши чиқиши учун контраст меъёри билан ишлатилгани маъқул, акс ҳолда мақсадга еришиш натижалари бўлмайди. Композицияда контраст **нюанс** билан узвий боғлиқдир. Шаклларнинг контрастида уларнинг нисбати, яъни бир-бирига муносабати ва бошқа шакллар билан боғланиши нюанс орқали амалга оширилади. Нюанс контрастга нисбатан аксинчадир, яъни юмшатиш, нисбатликни меъёрида ҳал қилишга ёрдам берувчи ҳисобланади.

8-мавзу: Лессировка

Лессировка- нозик (деярли шаффоф) бўёқларни бир-бирига қўллашда асосланган қизиқ бир техникадир. Бунинг натижасида чиройли порлоқ ранглар пайдо бўлади. Ҳар қандай расмнинг муҳим таркибий қисмидир: расмга бойлик, чинакам ҳисси, кайфият беради.

Лессировка қилишни ўрганамиз

Лессировка асосий принципи – бу бошланғич рангдаги нозик бир бўёқ қавати. Пастки қатлам қуруқ бўлиши кераклигини унутманг, акс ҳолда сиз керакли ранглар ўрнига оддий ранглар аралашмасини оласиз. Тахминан ҳар қандай бўёқ (ёки акрил) шиша учун мос. Бироқ кадмион, неаполитан сариқ, инглиз қизил, каштан-ўпка, қора мантар ва шафтоли каби баъзи ранглар жозибаси камроқ.

Шиша рангини бўёқ билан ёпиштириш мумкин. Лессировканинг яна бир афзаллиги шундаки, уни кўп маротаба қўллаш мумкин. Лекин ортиғи

билан лессировка қилинса расмлар (асарлар) қоронғи ва ноаъанавий қилади.

Агрда расмга ҳам боғлиқ бўлса

Бўёқ ва подмалевка тайёрлашга тайёрганлик

Энг яхши лессировка эффекти режа расмга қараганда енгилроқ ва совуқроқ бўлган пастки бўёқ билан олинади. Бир лессировка билан тафсилотларни аниқласа бўлади.

Бўёқни тахминан 1:1 нисбатида ёки 1:2 нисбатда (ярим шаффоф бўёққа боғлиқ ҳолда) ярим ёғли тинер билан аралаштиринг. Юмшоқ тўқималарнинг олдини олиш учун юмшоқ чўтка билан лессировкани бошлаш мумкин.


Лессировканинг минуслари

Ҳар қандай бошқа техникада бўлгани каби, уни эҳтиёткорлик билан ишлатишингиз керак. Шундай қилиб, расмингиз ҳаводор бўлиши керак бўлса, лессировкани ишлатиш мумкин эмас. Масалан агар осмонничиби кўйсак, бу усулни қўлланмайсан. Лессировка ранги олдинга қараб чиқиб кетганда, орқага эмас. Енгил нурни акс эттирадиган мот ранглар осмон учун энг мосдир.

Юқорида этиб ўтилган минусларга кирмайди, лекин шиша учун бй жуда ҳам кўп вақт талаб этади. Рассомларни бошлаш учун узок вақт давомида бутун расмни (тугаган) эсда сақлаш жуда қийин. Лессировка энг зарур бўлган усул.

Ҳар қандай профессионал рассом лессировку услубини қўллайди.

Рассом портрет яратар экан, агар реалистик чизматасвирни тўла эгалламаган бўлмаса, ҳеч қачон тўлақонли етук образ ярата олмайди.



9-мавзу: Ёруғлик ва рангнинг моҳияти

Юқорида рангларнинг нигоҳий идрок этиш ёритилганликдан қатъий назар муносабатларига асосланиши ҳақида гапирилган эди. Аммо ёруғликни кучли ўзгариши билан тус ва рангни ёрқинлашуви ёки кучсизлашувини кузатиш мумкин. Ёруғликни ўзгариши билан натуранинг фақат ёритилганлиги эмас, балки ранги ҳам ўзгаради. Кучсиз ёритилганда натура рангининг тўйинганлиги камаяди. Хонада натуралар деразадан узоқлашган сайин ранги қуюклашади. Кундузги ёрутлик билан қарама — қарши ёритилган жойлар қуюқ илиқ соя билан ёнма — ён бўлади. Шундай қилиб натурадаги рангнинг турфа хиллиги ёритилганликнинг ёруғлик ҳолатига боқлиқ бўлади.

Реалистик рангтасвирда табиатнинг ёритилганлик ҳолатини ифодалай олиш муҳим ҳисобланади. Натуранинг маълум бир соатдаги ёки маълум бир фасл, об — ҳаводаги умумий туси ва рангдорлиги шу вақтга хос бўлади. Куннинг турли пайтида ва турли об — ҳавода ёки фаслда ишланган манзаралар бир — биридан фарқ қилиши зарур. Етук рассомларнинг турли ёритилганлик ҳолатидаги асарлари кузатиладиган бўлса, уларда ҳаво очик ёки булутли кунни ифодаловчи тасвирлари ажралиб туради. Рангнинг қуюқлиги ёки ёрқинлиги вазиятнинг нозик ёки қалтислигini, қаҳрамоннинг кайфиятини ифодалашга хизмат қилади.

Шундай қилиб реалистик рангтасвирда ранг тасвирининг барча жиҳатлари ўзаро алоқада намоён бўлади. Рангларнинг бойлиги ва мувофиқлиги унинг энг муҳим жирата ҳисобланади. Этюд ёки картина ранги қуйидагилар билан белгиланади: 1) ҳажмни шаклни беришда ва маконни ифодалашда рангларнинг бойлиги ва хилма — хиллиги; 2) ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда натурада асосий ранг муносабатларини мувофиқлиги; 3) натурадаги рангларни бирлаштирувчи ёруғлик ранги таъсирини бериш.

Асарда бу вазифаларни бажариш бадийлик вазифасини хал этиш билан баробардир, шунда рангнинг эмоционал таъсирчанлигига эришилади. Кишиларнинг идрок қилиш хиссиётлари, сезгилар ҳаракати табиатнинг кугаринки, ҳам тушкин ҳолати билан узвий боғлиқ. Ёритилганликнинг ҳақиқий шароитини акс эттириб, бу шароитда натуранинг ҳажмий, моддий, маконий сифатларини талқин этиб тасвирнинг ранг қурилмаси тамошабин хиссига таъсир қилади, маълум бир кайфият беради, эстетик хиссиётлар уйғотади.

10-мавзу. Умумий чизикларни кўриб чиқиш ва таққослаш.

Рангтасвир ўқув режасининг таркибий қисмига киради.

Амалётда талабалар олдида турган мақсадларидан бири, топшириқлардан қай даражада мақсадга жавоб бериши, усул йўналиши, тизимлари мактаблар ёки алоҳида усталарнинг моҳирона иш бажариши, услублари уларнинг асарларини кўчириб ўрганишда намуна вазифасини ўтайди.

Вазифаларни усул, услуб томонларини мантиқан тушуниб етиш, рангтасвирни пластик нуктаи-назардан ташкил қила билиш, асарнинг технологик ривожланишини онгли равишда англаб олишдир.

Жараёнида талаба ва асар орасида қандайдир узоқ муддатли мулоқот бўлади. Ушбу йўналишда талаба санъат чўққиларини кашф этади ва егаллашга интилади.

Талаба қатламлараро ишлов беришни амалда бажаради ва бўёқлар билан ишлаш маданиятини, асарнинг рангтасвир сатхи улуғ сифатлигини, узоқ муддат ишлашда кўп маротаба тузатишлар, қайта ишлашлар, тўхтаб қолган ишларни давом етиришни шу билан умумийликни бузмасдан, сақлаб қолган ҳолда иш бажариш кўникмаларига ега бўлади.

Асосий жараёни. Бунда ҳар бир талаба индивидуал равишда чизги бажаради ва деталлар устида ишлашни ўрганади, унда қўлланиладиган

материаллар қалам, ва бошқалардан фойдаланиши мумкин. Умумлаш ва якунлаш.

Ҳар бир талаба ҳоҳиш истагига яраша якка тартибда юксак бадиий санъат асарларидан танлаб нусха кўчириш вазифасини турли усулда ва техникада бажаради.

Шу маънода, санъат борлиқни, инсон меҳнати ва турмушини акс эттирибгина қолмай, уларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади, қахрамонликка ундайди, кишиларни тўғри йулга бошлайди. Маданий, маънавий ва эстетик жихатдан инсонни тарбиялайди.

Бирор буюмдан узоқлашганимиз сари буюм ҳажм кўриниш кичрайиб кўринади. Шунинг билан бирга буюм ранги ҳам ўзгаради. Ҳаво таъсири остида ранг хиралашиб, ҳақиқий буюм рангидан фарқ қилади.

11-мавзу: Рангни ҳавойи хусусияти

Жадвалда бир хил ўлчамдаги учта доира тасвирланган. Улар бири бирига яқин кўринса, бошқалари ётган текислигидан узоқда кўринади. Албатта бу ҳолат уларни ранги билан боғлиқдир.

Бизга яқини қизил ранглардир, қизилга нисбатан бирмунча узоқ ранг - яшил ранглисидир. Ундан ҳам узоқда эса – кулранглисидир. Ранглар орасида бизга яқин қизил доирача бўлиб, у олдинга чиқаётгандек бўлади. Бу иссиқ рангларга хосдир. Биздан узоқлашаётган ранглар эса совуқ ранглардир. Рассомлар бу фаолиятдан фойдаланиб, текислик юзасида чуқурлик таассуротини ҳосил қилиши мумкин.

12-мавзу: Тузатишлар олиб бориш

Рангтасвир (живопись) рангшунослик қонунларига асосланиб борлиқни реалистик ифодалайди, акс эттиради. Рангтасвир маҳорати-бу текисликда борлиқни тўлақонлик табиий, чиройли рангларда акс эттиришдир. Бунинг

учун рассом ҳавоий преспектива, масштабни, ҳажмни чизматасвир орқали акс эттиришни пухта эгаллаши керак. Тус, ранг ва чизматасвирни бир-бирига боғлаб, рангтасвир асарида моҳирона фойдаланиши зарур. Чизматасвирсиз фақат бўёқлар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, борлиқдаги ўрнини акс эттириш мумкиндир. Агар манзара ишлашда преспектива қонунларига амал қилиб чизматасвири кўрсатиб берилмаса, рангни аҳамияти ўринсиздир. Баъзан рассомлар «Рангтасвир нима?» деган саволга: «Бу 100% чизматасвир ва 100% рангтасвирнинг ўзаро мужассам боғлиқлигидадир» дейишади.

Реалистик тасвирий санъатда чизматасвирга муҳим роль берилади ва чизматасвирни эгаллаш реалистик тасвир жараёнида асосий шартдир. Олдин чизматасвир ишланиб, кейин ранг берилади. Сўз чизиқли рангтасвирда эмас. Рангтасвирчи олдиндан чизматасвир тайёрламаслиги мумкин. Аммо буюк рассомнинг асарида аниқ чиройли чизматасвири рангтасвир билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвир ҳосил қилганини кўрамиз.

Рассомликка ўқитишда талаба олдиндан чизматасвир орқали преспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизматасвир ва нисбатлар тушунчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизматасвирни тўла эгалламасдан ранг (бўёқ)да тасвирлашга киришилган портретда тасвирланувчи ўхшамаганлигини, тус (тон), колорит, ҳавоий преспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини кўрамиз. Ёруғлик ва соя қонунларини, тусли чизматасвирнинг вазифасини билмаган ёш рассом – портретда шакл тасвирини рангда кўрсата билишни, фазода жойланишини тасвирлашда катта қийинчиликка дучор бўлиши мумкин. Рассомчилик мактаблари тажрибаси арихидан маълумки, ўқитиш-ўрганишнинг биринчи босқичида чизматасвирдан пухта, жиддий тайёрлашга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шуғулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади. Жаҳоннинг буюк рассомлари: Микеланжело, Джорж Вазари, Леонардо да Винчи, П.П.Чистяков, И.Е.Репин, А.М.Васпеков, К.П.Брюллов, В.А.Серов ва бошқалар чизматасвирга катта аҳамият

берганлар. Рангтасвир санъатида рангни чизматасвирдан ажратиб бўлмайди. У ҳар доим чизматасвир билан чамбарчас боғлиқдир. Чизматасвирнинг ихтисослик даражасини эгаллаш график, меъмор, безакчи, маҳобатли ва бошқа барча рассомлар учун зарурий ҳисобланади. Яхши чизматасвирни эгалламаган ҳақиқий кино ёки театр рассомини тасаввур қилиб бўлмайди.

Реалистик чизматасвир асосларини эгалламаган рассомлар картина чизишни бошласа, бу чала санъат асарини вужудга келтиради, ёлғон маҳобатлилик ва безакдорлик хусусиятларини намоён қилади, образлиликка путур етказади.

Рангтасвир учун чизилган буюмнинг чизматасвири шартли контур чизиқларига эътибор бермаган ҳолда, уни атроф-муҳит билан боғлаб ҳажмини ранг орқали шакллантирабилиш ва унинг нисбатлари, материаллигини аниқлаш лозим. Ҳомаки чизматасвирдан бошлаб, охириги мўйқалам нуқтасигача рассом ҳар доим чизматасвирни эсдан чиқармасдан шаклни ўрганиб акс эттирмоғи керак. Рангтасвир-бу чизматасвирнинг давоми ҳисобланиб, бир неча марта шаклнинг чизматасвирига қайта-қайта қайтмоғи ва аниқлик киритмоғи лозим. Чизматасвирдаги маҳорат рангтасвирда асар яратишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Реалистик санъатида бадиий образ яратишининг энг биринчи асоси чизматасвирдир. У одам образини яратишда ва воқеликни таъсирлашда муҳимдир. Асарнинг муваффақияти ва композиция орқали фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш чизматасвирга боғлиқ. Рассомлар композицияда умумий фикрлаши ҳам чизматасвир орқали дунёга келади.

13-мавзу: Нусха кўчириш жараёни

а) талаба асарга картон тайёрлаб, картондан калькага кўчириб сўнг олдиндан тайёрланган таг асосга чизиқ ёрдамида кўчирилади. (Асар рангтасвир бўлса мўйқалам ёрдамида кўчирилади)

б) чизиқларини аниқлаб, таққослаб бўлгандан сўнг соя ва ёруғларга эътибор берган ҳолда талаба ўзи аниқлаб олган қаламда қоғос фактурасига эътибор берган ҳолда асарни кўчириш жараёнига ўтади.

в) асар стилистик усул-услуб қўлланилаётган материаллар эътиборда бўлиши шарт.

г) асар нусха кўчириш жараёнида бир қисмдан бошлаб айтайлик бир қомат бошлар деталларга тугаллаб бориши методи ёки катта қора ёки оқ доғларни ёруғ сояларни эътибор билан ҳар бир жараён ўша уста рассомни усул-услуби, манерасидан келиб чиқган ҳолда бажарилиши зарур.

д) Асосий тугалланиш жараёнида талаба ўзаро кесимларни бир-бирига таққослаб, нусха учун танланган асарни ўзи нусха кўчириш иши билан таққослаши камчилик ва тузатиш ишлари олиб борилади. Асардаги ва талабанинг нусха кўчириш ишидаги стилистик, қатламларнинг йўғон ингичкалиги ишлаш усулига эришилганда нусха кўчириш иши якунланади.¹

14-мавзу: Асардан нусха кўчириш жараёни

Талаба жаҳон буюк тасвирий санъат асарлари намоёндалари билан танишиб, ўрганиб амалда асарларни асл нусхасидан, ўқиб ўрганиш учун нусха кўчириб боради. Ушбу жараён талаба учун ўта масъулиятли ҳисобланиб, асар таг асосидан бошлаб грунт, мой қатлами иш усули технологияси жараёнини мантиқан англаб олиб, ҳар асарни ўзига хос сатҳи, мактабларга оидлигини аниқлаб, керакли адабиётлар билан танишиб барча услубий жараёнларни пухта ўрганиб боради.

Қадимги жаҳон, Оврупа, Рус ва ўзимизнинг буюк ўтмиш мерос санъат асарлари намоёндаларидан ўрганиш мақсади сари йўналтирилган, мақсадга оид ҳарактерга эга бўлган илмий-ижодий жараёндир.

Нусха кўчириш учун асар танлаш пайтида оддий, тушунарли асарлардан бошлаб, кейинчалик мураккаблашиши мумкин ва бунда талабани қизиқиши,

¹ Э.Бергер «История развития техники масляной живописи». М., 1961.

хусусиятини ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Вазифа якка тартибда раҳбар назорати остида бажарилади.

Бадий асар яратишда яхши натижага эришиш учун унинг асоси композиция эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун бош қаҳрамонни картинада кўп ҳолатларда бош ҳаракат композициянинг иккинчи планида жойлаштирилади. Биринчи план иккинчи планга ёрдам бериб, уни кўришга замин яратади. Қолган планлардагилар қўшимча вазифани амалга оширади. Биринчи пландагилар билан ягона муҳит ҳосил қилади.

Бунга мисол, Рафаэльнинг «Афина мактаби», А.И.Ивановнинг «Исонинг халққа кўриниши» асаридир. К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнги куни» картинасида эса Италиянинг Помпей шаҳри тарихидаги фожеа акс эттирилган. Рассом мавзудан келиб чиқиб асарни ечишга изланиш олиб борган. Композиция тузилиши оч ва қора ранг, туслар, ритм контрасти асосида топилган. Бош гуруҳ қоматлар картина бўшлиғининг иккинчи планида жойлаштирилган. Энг кучли ёруғлик ана шу иккинчи пландаги қоматларни ёритади. Қоматлар эса кескин ҳаракатларда тасвирланган. Биринчи пландагилар бош қаҳрамон(ҳаракат)ни кўришга замин яратади. Учинчи план ҳам маълум даражада композицияга ва фикр уйғунлигига, воқеани катта фожеалигини кўрсатишга ёрдам беради. Иккинчи пландаги динамикани мустаҳкамлайди. Картина композициясида ёруғ ва қорамтир қисмлари ритмик такрорланади. Асарнинг яхлитлиги ва мутаносиблиги тус ва ранглар кучининг контрасти ҳисобига амалга оширилган.

Рассом кўп қоматли композиция устида ишлаб асар яратар экан, унинг кўзи олдида воқелик ҳолати намоён бўлади. У воқеликнинг маълум бир кўринишини акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу рассомнинг имконияти чегараланган, дегани эмас. Рассом бир воқеликни тасвирлар экан бошқа воқеликка туртки беради, ундайди. Ижодкор ўз композицияси ҳақида ўйлар экан, қайси воқеликни акс эттириш ва қайси тамонини ривожлантириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Атроф муҳит борлиқни типиклаштириш ва умумийлаштириш қонунига эса композиция ишлаш даврида алоҳида аҳамият берилади. Чунки, рассом томонидан яратилган бадиий асарда типажлар орқали томошабинга ҳаёт ва турмушни англашга ёрдам беради. Рассомларнинг реал кўриниш(натура)дан фойдаланиш усули ҳар хил бўлсада, ёш рассомларга улардан тўғридан-тўғри картина яратиш ёки яхшироқ чиққан этюдни катталаштириш билан асар яратиб бўлмаслиги тавсия этилади. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, реалистик бадиий асар яратадиган рассом ҳар доим реал кўриниш(натура)ни ўрганиб маҳоратини ошириб бориши муҳимлиги қайта-қайта таъкидланади. Табиийки бу талаб асардаги у ёки бу образни очиб беришда жонли табиатни кузатиш ва уларни чизмаларда акс эттириб келиш, шунингдек, улардан моҳирона фойдаланиш санъат асарининг жонли, табиий чиқишига яқиндан ёрдам беради.

Асар яратиш жараёни-ижодий жараён бўлиб, кўп изланишга, мукаммал билимга, тайёргарликка, маълум тассаввурга эга бўлишни тақозо этади. Тайёрланган чизгилар, этюдлар, йиғилган ашёлар асарнинг биринчи белгиларидаёқ тўғри келмаслиги ва камлиги, бадиийлиги жиҳатидан ҳам пухта топилмаганлиги яққол кўриниб қолиши мумкин. Композиция ишлаш жараёнида тасвирланаётган қиёфа, буюм, унинг шакли ва рангини, нур ва сояни этюдлар билан таққослаш лозим. Зарур бўлганда янгисини ишлашга тўғри келади. Бундай текширишлар, изланишлар ёш рассомни кўп хатоликлардан холис этади. Реал кўриниш(натура)дан қўшимча ашёлар йиғиш янгидан қарашга, янгича образ топишга, янги типик қиёфалар кашф этишга имкон беради. Композицияда қаҳрамон образини узоқ излаш жараёнида бир ёки бир неча кишилардан этюдлар, чизматасвирлар ишлаш қаҳрамон образи характерини янада тўлдиришга ёрдамлашади. Шунингдек, ёрдамчи маълумотлар, ашёлар йиғиш усули манзара, картина, портрет, сюжетли мавзули асар яратиш жараёнига ишлатилади. Бу усулни қўллаган ҳолда рассом бир вақтда композицияга аниқлик ва унга қисман ўзгартиришлар киритади. Кўриниши ўзгартирилган композиция жонлироқ ва

олдингисига нисбатан тўлақонлироқ чиқади.

Композицияда тасвирланаётган шакллар орасида муҳимроғини бошқалардан ажратиб кўрсатилади. Картина текислигидаги жами шакллар тенг аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун энг асосийси марказда ёки марказга яқин жойлаштирилади. Ажратиб кўрсатишда рассомлар; тасвир ўлчамини, ёритилишини, шакллар ва ранглар фарқи билан амалга оширадилар. Агар фарқлар кескин кўрсатилган бўлса, биз уни контрастда кўрамиз. Асосий шаклларни ажратиб кўрстиш учун, бошқа шакллар ўлчамини кичрайтириб, тусини пастроқ ёки фон тусига яқин қилиб тасвирланади. Ҳаётда шаклларни бир-бири билан сифат ва катталигини чоғиштириб аниқлаймиз. Шунингдек чизиқлар характерида, силуэтда, ҳажмда, оғир ва енгиллигида намоёндыр.

Муҳим қиёфани ажратиб кўрсатишда перспективадан фойдаланиш ўринлидир. Агар бош қаҳрамонни ажратмоқчи бўлсак, уни биринчи планда жойлаштирилади ва у йирик бўлиб кўринади.

Композиция маркази картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилади. Композиция яхлитлиги иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга бирлаштиради. Иккинчи даражали нарсалар ортиқча диққатни тортиб кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинада шакллар бир хил аҳамиятли бўлиб пала-партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойда жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.

Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлашда уни марказда жойлаштиришдан ташқари бўёқ қўйиш усули билан ҳам амалга ошириш мумкин. Иккинчи даражали қиёфалар ёки иккинчи план шакллари ишлашда умумлаштирилади.

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картинани табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картинанинг муҳим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан ҳам амалга ошириши мумкин. Картинада тасвир воситаларидан бири **перспективадир**. Текислик юзида уч ўлчамли ҳар қандай қурилмасини ҳозирда перспектива деб атайдилар. Текислик бўшлиғида перспектива қурилиши кўпинча архитектура лойиҳаларида ишлатилган. Перспектива бир нуқтадан туриб қараганимизда ҳосил бўлган бинолар чизиқли перспективасини тушунсак, бундан ташқари ҳавоий перспектива, ранг перспективаси, картинада эса муҳит перспективаси ҳам мавжуд. Мавзули композицияда уч ўлчамли тасвирни перспективасиз амалга ошириш қийин. Рассомлар аллақачон картина текислигида тасвирни перспектива воситасида шаклларни, воқеаларни маконда жойлаб картина чуқурлигини ҳосил қиладилар. Перспективада картина композицияси қурилишида кўриш нуқтаси, горизонт чизиғи муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир буюм ёки натура қайсидир томонидан кўпроқ образли хусусиятга эга бўлади. Горизонт чизиғини танлашда чапдан ва ўнгдан, яқин ёки узоқдан қараб натурани ифодалаб, характерли томонидан тасвирлашга ҳаракат қилиш керак. Перспективада қараш бурчаги ва қараш нуқтаси картина композиция тузилишида муҳим элемент ҳисобланади. Масалан: манзарада одам тасвирини жойлаштиришда уни олдинги планларга олиб келиш қоматни йўқолиб кетишидан сақлайди. Шунингдек ўта олдинги планга чиқариб юбориш ҳам нотўғри. Шунинг учун кўриш нуқтасини танлашда композициядаги гуруҳ, одамлар ва табиат бўшлиғи мутаносиб бўлиши керак.

Агар картина текислиги тасвирланаётган қиёфалар билан нотекис тўлдирилган, чизматасвири бир чеккага жойлаштирилган бўлса, картинанинг бир қисми оғирлаштирилиб, қолган жойи ўта енгиллаштирилган бўлиб идрок этилади. У ҳолда мувозанат кўринмайди. Бундай тасвирлаш бизнинг уқиб

олишимизга халақит беради, нотўғри ташкиллаштирилган кўринади ва табиийлигини йўқотади.

Композицияда мувозанатлиликни картина текислигида тасвир элементларини чап ва ўнгда, юқори ва пастда бир текис жойлаштириш билан амалга оширилади. Картина текислигининг ўртасидан веритикал ўқ чизиғининг чап ва ўнг томонларига тасвир элементларини тўғри жойлаш муҳим аҳамиятга эга. Муҳими, бош воқеяликни композиция марказидан бир томонга суриш зарур. Композиция мувозанатида тасвир шаклларида ташқари унинг туси ва ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичкина қорамтир шакл катта оч рангли шакл билан тенг кўриниши мумкин. Бир томондаги ёрқин ранг иккинчи томонда ҳам бўлишини талаб қилади.



15-мавзу: Калькага тушириш

Рангтасвирлардан нусха кўчиришда ҳам ўзига яраша қонун-қоидаларга амал қилиниши лозим. Бунинг учун аввало, талаба ўрганиши ва ўзлаштириб ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлари мавжуд бўлган асар намунаси танлаб олинади. Унинг ўлчамлари аниқланиб, сўнг уша ўлчамдан бир, бир ярим сантиметр кичикроқ ёки каттароқ мато танланади. Бунда аслият қандай матога (катта тўқимадами, ёки майин сатхлими) ишланганига қараб иш юритилади. Нусха учун аслиятдаги каби материаллар танланиши муҳим. Шунда асл нусхаси оригиналга ўхшаб чиқишига эришилади. Агар асар музей экспонати бўлса, унинг репродуксийси қўл остида мавжуд бўлса ана шу намунанинг кичик суратини катакларга чизиш орқали катталаштириб тархини тушириб тайёргарлик қилиб олиш мумкин. Бунда албатта асарнинг тасвири масштабга мувофиқ олиниши керак. Шунингдек асарда қандай бўёқ турлари ва хилларидан фойдаланилганлигини аниқлаб олиш тақоза этилади. У суюқ ёки қуюқ суртмаларда ишланганлигини билиш, ўрганиш ҳам муҳим. Нусха кўчирувчи фақат тасвир режаси эмас, балки рассом услубини, техник ёллариини ҳам ўхшатиш, ундан маҳорат сирларини ўрганиши лозим.

Холст (мат) рангтасвир учун махсус тўқилган, чидамли дағал мат. Унда матнинг дағаллиги мойбўёқлар билан тасвир ёзишда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Устоз холстнинг бу хусусиятидан тасвир ёзишда усталик билан фойдаланган. У киши ўртача ёки катта ҳажмдаги манзараларни тасвирлашда кўпроқ майдай тароқли матодан фойдаланишни хуш кўрган. Жажжи расмларни ишлашда эса йирик фонли холстни қўллаганлар. У манзараларни ишларкан, холстни рангли бўёқлар билан чаплаштириб (оғирлаштириб) юбормасди. Кўп ўринда холст доналарининг (тўқимасининг) жилвасини йўқотмаасликка ўринарди. ва ўзига хос нафис асар ёзишга муваффақ бўлган.

Грунтланган холстни подрамникка тортишда уни намламаслик керак, чунки у қуриганидан сунг майда ёриклар ҳосил қилиб, бўёқларнинг боғловчиларини шимади, бу эса бўёқларнинг рангсизланишигагина эмас,

балки уларни мустаҳкамлигига ҳам таъсир қилади. Грунтланган ёки тоза холст олдинига подрамникни бурчакларга вақтинчалик мих билан қоқиб чиқилади, кейин холстнинг ўрта қисмидаги иплари подрамникка параллел ҳолга келганидан сунг қоқиб чиқилади.

Шундан кейин михлар подрамникни ўртасидан тортиб унг ва чап томонга қараб тортиб чиқилади.

Холст маҳкамлангандан сунг подрамникни бурчакларидаги михлар суғириб ташланади. Холстни подрамникка тортиш учун махсус қисқичлардан фойдаланилади. Холстни қоқишда кичик ва ўртача подрамникларга михларнинг оралиги 3-4 смдан, катталари учун эса 6-8 смдан қўйилади. Холст конуссимон михларда қоқилади.

Рангтасвир ҳаққоний шаклнинг рангли тузилиши қонуниятларига асосланган. Рангтасвирни ўрганиш – бу текисликдаги рангли шаклнинг нисбатлари, конструктив қурилиши, ҳажми, фазовий тузилиш усуллариини излаш йўлидир. Шуларга боғлиқ ҳолда ҳар-бир рассом қаламда буюм ва нарсаларни перспектива қонунларига асосланиб конструктив тузилиши, фазовий жойлашуви, нисбат, ҳажмни мукаммал тасвирлай олиши зарур. қаламатасвирда ранг ва туснинг яхлит бир бутунликда гармоник уйқунлашуви бу ҳақиқий рангтасвирдир.

Тасвирда қаламсурат мукаммал бўлиши лозим, акс ҳолда турли бўёқлар ҳам оддийгина нарса ва буюмнинг қурилиши, ҳажмини саводли ифодаб берайди. Ҳаво перспективасига боғлиқ.

16-мавзу: Қайта ишлаш

Умумий ранглар муносабати ва навбатдаги ишнинг давоми натурага ҳос колоритни ҳисобга олган ҳолда бориши керак. Натурадан кам ишлаган, тажрибасиз рассомлар у ёки бу натюрморт ранглавҳа этюдини, манзарани ёки портретни тасвирлаётганда ҳар доим ҳам ундаги яхлитлик ва бўёқлар бирлигини муваффақиятли бажара олишмайди. Натурадан ишлаш жараёнида ҳар бир аниҳ ҳолатда колоритни тушуниб етиш, тусли ва рангли ҳолат

хусусиятини кўрсата билишлари зарур. Хамма гап натура бўёқларидаги умумий тус, ранг ҳолати ва колорит бирлигини кўриш ва тушуниб етишдадир.

Йирик кўринишдаги тус муносабатларини аниқлаб олгандан сўнг, ёруғ-соя қисмларини моделлаштиришга яъни, ҳар бир буюмнинг ёруғ сояси, ярим соя, шахсий ҳамда тушаётган сояларини топган ҳолда ҳажмли шаклини ранг-баранг қилиб тасвирлашга ўтиш мумкин. Иссиқ ва совуқ туслар тасвир охангдорлигини оширади, натурадаги табиий кўринишни намоён этади.

Буюмнинг катта шаклини моделлаштираётиб, майда бўлақларини чиза туриб, шуни ёдда тутиш керакки, катта шаклнинг ҳам ёритилган, ҳам соядаги юзасида жойлашган кўплаб кичик шаклларда аниқланадиган тусни ошириб юбормаслик керак. Ёруғликда ёки сояда жойлашган майда шакл тусларининг яқинлигини илғаб олиш учун, иш жараёнида атроф муҳитга боғлиқ бўлмаган буюмларга эътибор бериш шарт эмас. Айтиб ўтганимиздек буюмларни яхлит кўриб, доимо уларни ўзаро солиштириб туриш зарур. Буюмнинг оч қисмини тасвирлай туриб, қайси нуқтада у ёруғлиги ва рангининг энг қуюқлиги ва қаерда камроқ намоён бўлишини, сўнгра эса ҳажмли шаклнинг қолган қисмида топилган тус билан таққослаб аниқлаш керак.

Матонинг тўлиқ юзаси бўёқлар билан буткул қопланиб, муносабатлар тўғри олинмагунча, ҳақиқий жарангдор бўёқларни, ёруғлик кучини ва тасвирланаётган буюмлар моддийлигини ҳис қилиб бўлмайди. Палитрадаги ёрқин бўёқ, ҳали матодаги ёрқин тус эмас. Буюмларнинг ёритилиши ва материаллиги муносабатларнинг тўғри олинишига боғлиқ, акс ҳолда ён атрофдаги туслар тўғри топилмаса қайсидир бир рангнинг жарангдорлигига эришиб бўлмайди. Ўрол Тансиқбоев асарларида масаланинг ана шу жиҳатларига тўлиқ эътибор берганлигини асаридан нусха кўчириш жараёнида кўриб, яна бир бор амин бўлдим.

Рангтасвир ишлаш жараёнида ранглар муносабатини тўғри аниқлаш билан бирга, шуни ёддан чиқармаслик керакки, биз фақат оддий ранг доғлари билан эмас, балки аниқ бир шакл устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Ранглар

муносабатини излашдан мақсад, тўғри топилган ранг туслари билан натурани, унинг хажмли шаклини тўғри топиш демакдир. Агар ранг буюмнинг фазовий жойлашуви, материаллиги ва аниқ шаклини ифода этмас экан, у тасвирда ўз маъносини йўқотади. Оч ва тўқ, рангли ва рангсиз бўёқ суртмалари маълум бир буюм шаклига ва объектга тегишли бўлсагина, материаллилик, ранглар уйғунлиги ва колоритни яратади.

Манзаранинг фазовий кенглигини масалан, фақат ҳаво перспективаси туфайли ранглар ўзгаришини кўрсатиб берувчи рангли доғлар эмас, балки ер юзасида жойлашган нарсалар ва объектлар: дарахтлар, қурилишлар, тўғри тўртбурчакли ва нотекис майдонларни ўлчамлари ва чизиқлар аниқлиги рангларда ўзгариб манзаранинг фазовий узоқлашишини яратади. Тоғларни, масалан, иккинчи ва олис кўринишда умумий ранг доғларида ифода этиш мумкин эмас. Ранг билан уларнинг релефини ва ўсимликлар тузилишини тасвирлаш керак эканлигини моҳир мусаввир яхши билган. Умумлаштириш босқичида натурага яхлитлигича қараш, қамма нарсани бирданига кўриш яъни «тикилиб қараш» керак. Буюмлар гуруҳининг барчаси тарқоқ бўлиб туюлади, аммо шу пайтда тус муносабатларини, натура яхлитлигини тезроқ тушуниш мумкин. Навбатма-навбат натурага қам, этюдга қам яхлит қараш керак, шунда қаерда қандай хатога йўл қўйилганлигини илқаб олиш мумкин. Бутунлигича, яхлитлигича кўра олиш қобилияти, ишни умумийдан хусусийга қараб ва ундан яна умумлаштиришга томон борилади. Иш жараёнида яхлит кўриш – рангтасвир ишлаш мақоратининг асосидир. Фақатгина шу малакага эга бўлган рассом, натурани образли кўринишини тўқри ифода этиши, ундаги асосий ва қар бир бўлакнинг ўз ўрнини топишини, ишнинг якуний даражасини қамда композициявий марказга бўйсундиришни самарали бажара олади.

17-мавзу:Якуний иш

Рангтасвир - ҳақиқий ҳаётни акс эттириб, тамошабиннинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир ўтказувчи тасвирий санъат турларидан биридир.

Бирор бир сатх юзасига, бўёқлар (мойбўёқ , темпера, акварел, гуаш ва бошқалар) билан бажарилган санъат асарига рангтасвир дейилади. Рангтасвирдаги образлар жуда ёрқин ва томашабоп. Рассомлар асарларини рангтасвир ва пластик воситалар билан яратадилар. Улар қаламтасвир ва композиция имкониятларидан фойдаланганлари билан, рангтасвирдаги энг асосий таъсирчанликни берувчи воситалардан бири бу ранг ҳисобланади.

Рангтасвирдаги тасвирлар тасвирий сатхда узлуксиз бўёқ қатламини ҳосил қилувчи бўёқлар ёрдамида яратилади. Хаттоки акварел рангтасвирида қоғозда бўёқ тегмаган жойлар қолса ҳам, тасвирнинг узлуксизлигига таъсир қилмайди, чунки бўёқлар бир-бирига сингишиб ва аралашиб кетишади.

Рангнинг тасвирий ва таъсирчанлик имкониятларидан рангтасвирда рассомга зарур бўлган эркинлик ва тўлиқ куч билан фойдаланилади. Ранг орқали композициядаги асосий фикрни ажратиб кўрсатиш, муҳим деталларини бўрттириш, масофани чуқурлигини бериш ёки тасвирнинг яссилигини бериш мумкин. Рангтасвирнинг энг муҳим ажралиб турувчи хусусиятлари шундан иборатки, унда шакл ва масофанинг тасвири, образлар ва ҳаракатлар фақат ранг орқали ўрилади.

Шундан келиб чиқиб табиатимизнинг бетакрор гўзаллигини ифодаловчи манзара жанрида ижод қилишим, манзара жанри тарихи, ушбу жанрда ижод қилган буюк рассомларимизнинг ижодини ўрганишим, чизишим ва шу тўрт йил ичида улар яратган манзара жанридаги асарларни ахлил қилиб ўрганиб чиқдим.

Менга манзара жанрида ишлаш учун қўйиладиган талаблар шу билан бирга ранглар ечими ва тўғри танланган мавзулар жуда ёқади. Ёрқин ранглар мавзуларнинг бой диққатга сазоворлиги, табиатнинг мафтункорлиги, атрофимизни ўраб турган тоғларнинг буюклиги, сой ва шаршаралардан оқиб келаётган оби ҳаётимиз, қишлоқлардаги сокин ва тинч ҳаёт мени ўзига мафтун этади.

18-мавзу: Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш

Ҳар бир талаба ҳоҳиш истагига яраша якка тартибда юксак бадиий санъат асарларидан танлаб нусха кўчириш вазифасини турли усулда ва техникада бажаради. Рангтасвир санъат асарларидан мой бўёқда нусха кўчириш. Чизматасвир санъат асарларидан нусха кўчириш. а) сепияда, б) пастелда, в) соусда, г) кўмирда. Талаба жаҳон буюк тасвирий санъат асарлари намоёндалари билан танишиб, ўрганиб амалда асарларни асл нусхасидан, ўқиб ўрганиш учун нусха кўчириб боради. Ушбу жараён талаба учун ўта масъулиятли ҳисобланиб, асар тағ асосидан бошлаб грунт, мой қатлами иш усули технологияси жараёнини мантиқан англаб олиб, ҳар асарни ўзига хос сатҳи, мактабларга оидлигини аниқлаб, керакли адабиётлар билан танишиб барча услубий жараёнларни пухта ўрганиб боради.

Умумий шаклдан деталларни шаклига ўтамыз. Асосий намуна оригиналдан четга чиқмаган ҳолда ишлаймиз. Қайси ашёлар қўлланилган бўлса, шу ашёларни қўллаш зарур. Рассомлар: Энгр, Дега, Серов, Фешин, Рубенс, Голбеин.



2-курс 4-семестр. Таниқли рассомларнинг рангтасвири ишлашдаги
баъзи муҳим техник хусусиятлари (М.В.Нестеров, М.С.Сарян,
Ч.Ахмаров усуллари мисолида)

1. Тасвирий санъат асарларидан нусха кўчириш
2. Рангтасвирда чизматасвирнинг роли
3. Композиция асосий қонунлари ҳақида
4. Рангтасвирда этюдлар
5. Ранг хусусиятлар
6. Мойбўёқ билан ишлаш
7. Мойбўёқлар турлари
8. Фон таъсирида рангни ўзгариши
9. Тасвир бутунлиги ва композиция маркази
10. Тасвирлашда ранглар мужассамлиги
11. Бўёқлар рангининг кучи
12. Ишни методик кетма-кетликда олиб бориш
13. Умумий ранг ечимига эътибор бериш
14. Нусха кўчириш жараёни
15. Асардан нусха кўчириш жараёни
16. Калькага тушириш
17. Рангтасвир санъати
18. Рангтасвирда манзара жанри

1-мавзу: Тасвирий санъат асарларидан нусха кўчириш

1. Рангтасвир санъат асарлари мой бўёқда нусха кўчириш.

2. Чизматасвир санъат асарларидан нусха кўчириш.

а) Сепияда, б) пастелда, в) соусда, г) кўмирда

Хар бир талаба хохиш истагига яраша якка тартибда юксак бадий санъат асарларидан танлаб нусха кўчириш вазифасини тури усулда ва техникада бажаради.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек дарслик, ўқув қўлланмалар факсимил репродуктив материаллар альбомлар асл нусха асосида талабалар билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материалдан фойдаланиш, амалда юксак бадий санъат асарларидан аслида нусха кўчириш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

II –курсда талаба жаҳон буюк тасвирий санъат асарлари намоёндалари билан танишиб, ўрганиб амалда асарларни асл нусхасидан, ўқиб ўрганиш учун нусха кўчириб боради. Ушбу жараён талаба учун ўта масъулиятли ҳисобланиб, асар таг асосидан бошлаб грунт, мой қатлами иш усули технологияси жараёнини мантиқан англаб олиб, ҳар асарни ўзига хос сатҳи, мактабларга оидлигини аниқлаб, керакли адабиётлар билан танишиб барча услубий жараёнларни пухта ўрганиб боради.

Қадимги Оврўпа, рус ва ўзимизнинг буюк ўтмиш мерос санъат асарлари намоёндаларидан ўрганиш мақсади сари йўналтирилган, мақсадга оид характерга эга бўлган илмий-ижодий жараёндир.

Нусха кўчириш учун асар танлаш пайтида оддий, тушунарли асарлардан бошлаб, кейинчалик мураккаблашиши ва талабани қизиқиши, хусусиятини ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Вазифа якка тартибда раҳбар назорати остида бажарилади.

2-мавзу: Рангтасвирда чизматасвирнинг роли

Рангтасвир(живопис) рангшунослик қонунларига асосланиб борлиқни реалистик ифодалайди, акс эттиради. Рангтасвир маҳорати-бу текисликда борлиқни тўлақонлик табиий, чиройли рангларда акс эттиришдир. Бунинг учун рассом ҳавоий преспектива, масштабни, ҳажмни чизматасвир орқали акс эттиришни пухта эгаллаши керак. Тус, ранг ва чизматасвирни бир-бирига боғлаб, рангтасвир асарида моҳирона фойдаланиши зарур. Чизматасвирсиз фақат бўёқлар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, борлиқдаги ўрнини акс эттириш мумкиндир. Агар манзара ишлашда преспектива қонунларига амал қилиб чизматасвири кўрсатиб берилмаса, рангни аҳамияти ўринсиздир. Баъзан рассомлар «Рангтасвир нима?» деган саволга: «Бу 100% чизматасвир ва 100% рангтасвирнинг ўзаро мужассам боғлиқлигидадир» дейишади.

Реалистик тасвирий санъатда чизматасвирга муҳим роль берилади ва чизматасвирни эгаллаш реалистик тасвир жараёнида асосий шартдир. Олдин чизматасвир ишланиб, кейин ранг берилади. Сўз чизиқли рангтасвирда эмас. Рангтасвирчи олдиндан чизматасвир тайёрламаслиги мумкин. Аммо буюк рассомнинг асарида аниқ чиройли чизматасвири рангтасвир билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвир ҳосил қилганини кўрамиз.

Рассомликка ўқитишда талаба олдиндан чизматасвир орқали преспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизматасвир ва нисбатлар тушунчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизматасвирни тўла эгалламасдан ранг(бўёқ)да тасвирлашга киришилган портретда тасвирланувчи ўхшамаганлигини, тус(тон), колорит, ҳавоий преспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини кўрамиз. Ёруғлик ва соя қонунларини, тусли чизматасвирнинг вазифасини билмаган ёш рассом – портретда шакл тасвирини рангда кўрсата билишни, фазода жойланишини тасвирлашда катта қийинчиликка дучор бўлиши мумкин. Рассомчилик мактаблари тажрибаси тарихидан маълумки, ўқитиш-ўрганишнинг биринчи босқичида

чизматасвирдан пухта, жиддий тайёрлашга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шуғулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади.

Жаҳоннинг буюк рассомлари: Микеланжело, Джорж Вазари, Леонардо да Винчи, П.П.Чистяков, И.Е.Репин, А.М.Васпеқов, К.П.Брюллов, В.А.Серов ва бошқалар чизматасвирга катта аҳамият берганлар. Рангтасвир санъатида рангни чизматасвирдан ажратиб бўлмайди. У ҳар доим чизматасвир билан чамбарчас боғлиқдир. Чизматасвирнинг ихтисослик даражасини эгаллаш график, меъмор, безакчи, маҳобатли ва бошқа барча рассомлар учун зарурий ҳисобланади. Яхши чизматасвирни эгалламаган ҳақиқий кино ёки театр рассомини тасаввур қилиб бўлмайди.



Реалистик чизматасвир асосларини эгалламаган рассомлар картина чизишни бошласа, бу чала санъат асарини вужудга келтиради, ёлғон маҳобатлилик ва безакдорлик хусусиятларини намоён қилади, образлиликка путур етказди.



Рангтасвир учун чизилган буюмнинг чизматасвири шартли контур чизиқларига эътибор бермаган ҳолда, уни атроф-муҳит билан боғлаб ҳажмини ранг орқали шакллантирабилиш ва унинг нисбатлари, материаллигини аниқлаш лозим. Ҳомаки чизматасвирдан бошлаб, охириги мўйқалам нуқтасигача

рассом ҳар доим чизматасвирни эсдан чиқармасдан шаклни ўрганиб акс эттирмоғи керак. Рангтасвир-бу чизматасвирнинг давоми ҳисобланиб, бир неча марта шаклнинг чизматасвирига қайта-қайта қайтмоғи ва аниқлик киритмоғи лозим. Чизматасвирдаги маҳорат рангтасвирда асар яратишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Реалистик санъатида бадиий образ яратишининг энг биринчи асоси чизматасвирдир. У одам образини яратишда ва воқеликни таъсвирлашда муҳимдир. Асарнинг муваффақияти ва композиция орқали фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш чизматасвирга боғлиқ. Рассомлар композицияда умумий фикрлаши ҳам чизматасвир орқали дунёга келади.



3-мавзу: Композиция асосий қонунлари ҳақида

«Композиция» сўзи италянча *compositio* бўлиб, қисм (буюм, шакл)ларни маълум бир тартибда жойлаштиришни англатади.

Композицияда шакл ва мазмун бирлиги қонуни, образ яхлитлиги қонуни, ҳаётийликни акс эттирувчи қонуни, контрастлилик қонуни мазмунга асосан иккинчи даражали қисмларини асосий қисмга ўзаро боғлаш, буларнинг ҳамаси композицияда иштирок этиб бадий асар мукамаллигини тامينлайди.. Юқоридагиларга эътибор бермаслик асарнинг бадий кадр қимматини тушиб кетишига олиб келади.

Рангтасвирда композиция-бу картина текислигида тасвир элементларини жойлаштиришда фикр(ғоя)ни равшан, аниқ ва тўлақонли жойлаштириш имконини беришидир.

Бирон нарс ҳақида қикоя қилиш учун сўз керак. Аммо қизикарли ва муқим фикрни айтиш учун маъноли, ифодали сўз керак бўлади. Шунингдек тасвирий санъатда ҳам томошабинни тўлқинлантирадиган ва диққат эътиборини қаратиш учун рассом кучли ва ифодали тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Рассом ҳар қандай картина композицияси тузулишида тасвирни ва шаклни ифодали кўрсатишга ҳаракат қилади. Кераксиз нарсаларни олиб ташлайди, фақат энг кераклилари қолдирилиб, иккинчи даражалилари биринчи даражали қисмларига бўйсундирилади. Картина образли тузулишида тасвирланаётган нарсанинг ички мазмуни қувонч ва ҳаяжон уйғотиши керак. Шунинг учун композиция ҳамма элементлари, ҳар хил воситалари: холст ҳажми, текислик, кўриш нуқтаси, горизонт баландлиги, ёритилиш характери, композиция марказининг ўрни ва бошқалардан фойдаланилади. Булар қаммаси картинанинг завқли чиқишига таъсир қилади.

Композиция фани атроф борлиқни умумлаштиришга ва маъносини тушунишга ўргатади ва ҳавас уйғотади. Ҳар куни у кузатаётган ва ҳис қилган нарсаларни бадий образларда акс эттиришга ўргатади.

Композиция тузилиши картина олдига қўйилган ғояга, вазифага боғлиқ бўлиб ўзгариб туради. Картинанинг композиция тузилиши характери мазмун ва ғоядан келиб чиқади.

Рассом атроф-муҳитни кузатар экан нафақат картина учун типаж топади, балки бўлажак картина композициясининг тузилиш асосини аниқлайди.

Ҳаётий ҳақиқат - бу картина композицияси яратилишининг асосидир.

Рассом ўз ижодий композиция тузилишида табиат қонунлари ва томошабиннинг идрок қилиш хусусиятларини ҳисобга олади. Тасвирда симметрия, ассиметрия, тенглик ва ритм, тузилишининг мақсадга мувофиқлиги, шаклнинг хилма-хиллиги, ранглар яхлитлиги, кўриш нуқтаси, ўлчам ва ҳажми каби композиция элементларини рассом ғоя ва фикрга бирлаштиради.

Композиция мавзуси устида ишлаш жараёнида мавзу ғоясини очиб бериш учун чизматасвир, қораламалар, натура этюдлари каби тўпланган ашёлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Композициядан фикрлаш қобилиятини ўстиришда мустақил ишлаш катта роль ўйнайди. У нафақат ўқиш жараёнининг давоми бўлиб қолмай, балки бўлажак рассомнинг шахсий қобилиятини ўстиради, унинг теварак атрофни ва борлиқни кузатишда ижодий қобилиятини оширади.

Композицияни ўрганиш бадиий асар яратиш устида ишлашнинг айрим босқичлари аҳамиятини тушунишни, бирон бир фикр орқали мазмунли бадиий асар яратиш кўникмаси ҳосил қилишнинг муҳим босқичи бўлиб қолиши керак.

Пластик бадиий образ яратишда ғоя ва туйғу бирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Композицияни ўрганишда дастлабки ўқув машғулотлардан бошлаб композиция қонун-қоидалари, бажарилиши босқичлари, борлиқни шартли образларда ечиш. тасвирлаш усули ва услубларини изчиллик билан ўрганиш муҳим ҳисобланади.

4-мавзу: Рангтасвирда этюдлар

Рангтасвир таълимининг дастлабки босқичларида ёш рассомлар натурадан майда-чуйда хусусиятларигача нусха олишга интилади. Натижада бир – бирига боғланмаган тасвир ҳосил бўлади. Хусусан, инсон бошини қош, куз, бурун тасвиридан бошламаслик керак, балки умумийлик ва бутунликни мутаносибликда бериш лозим.

Очиқ ҳавода (плёнэрда) рангтасвир бажаришга ўтишда кичик этюдлар чизилади ва энг аввало ундаги ранг муносабатлари топилади. Кичик этюдларда қисмларнинг тарқоқлиги йўқотилади, негаки рассом натурадан айнан кучирмайди. Дастлаб этюдлар учун унча мураккаб бўлмаган кўринишлар олинади, сўнгра тобора мураккаблаштириб борилаверади.

Киска муддатли этюдларни бажаришда турли мақсадлар кўзланиши мумкин. Биринчи ҳолатда этюд узоқ муддатли ишдан аввал бажарилади ва натуранинг ранг муносабатлари ўрганилади, ранг ҳақидаги дастлабки тасаввур шаклланади. Бошқасида шаклни кўшимча, аниқ ўрганиш (масалан, инсон кўли этюди) учун чизилади.

Ранг тузилиши яқдиллиги мувофиқлигини белгилаш учун ҳам этюд чизиш муҳимдир. Бу мақсадлар учун қандайдир ранг устунлик қилиши керак. Этюдлар учун ашёлар илиқ ва совук, ранглар мувофиқлигида берилади.

Доимий машқ қилиб бориш охир оқибатда кузатувчанлик, рангни кўриш, тасвир воситаларини маҳорат билан қўллашга олиб келади. Натуранинг ҳар бир объекти бу яхлит рангтасвир асар қисмидир, унинг ранг жилоси унинг умумий идроки ва тасвирида вужудга келади.

5-мавзу: Ранг хусусиятлар

Биринчи навбатда бир буюм ни бошқасидан ажратиб турадиган ранг туси сифати. ёруғлик ва тўйинганлиги сингари учта жиҳат билан танишиш зарур бўлади. Рангтасвирнинг ҳаққонийлиги рассом бу учта жиҳатни тўғри талқин эта олишига боғлиқдир.

Ёш рассом рангнинг туси, ранг сифати ёки ёруқлигига қараганда унинг тўйинганлигини фарқлаши қийинроқ; бўлади. Шунинг учун улар табнатдаги ашёларнинг доимий рангини (масалан, дарахтнинг яшиллигини) тўғри ифодалашга қийналадилар. Ранг муносабатларини тўғри белгилаш учун ашёларнинг уч хусусиятига кўра қиёслаш зарур бўлади. Бунда натуранинг ёруғлиги ва тўйинганлигига эътибор берилади.

Рангнинг асосий хусусиятлари билан амалда танишиш учун уларни турли ашёларда (мева, сабзавот, матолар ва ҳ.к) кўриш зарур.

Ранг, тус ва тўйинганлиги турлича бўлган ашёларни ўрганиш ва қиёслаш учун талабалар ранг шкаласини тузишлари лозим. Бунда бир рангнинг тўқидан бошлаб кулрангга томон туси камайтириб борилади.

Бу машқлардан ташқари табиий ёруғлик тушиб турган унча мураккаб бўлмаган натурадан чизиқ олинади. Бу машқнинг вазифаси шундаки, деярли бир хилдаги доғлар кўринишида ашёлар орасидаги учта ранг хусусияти бўйича талқин этилади.

6-мавзу: Мойбўёқ билан ишлаш

Мойбўёқда ҳам сувбўёқдаги каби узоқ муддатли ишлашга киришишдан аввал постановкадан унча катта бўлмаган этюд ишлаб олинади, композиция ва асосий ранг муносабатлари аниқланади. Бундан ташқари мойбўёқда ишлаш учун аввалдан чизматасвир иши ҳам бажарилади, бунда асосий шаклларгагина эътибор берилади, иккинчи даражали жиҳатлари тушириб қолдирилади. Аммо тасвирнинг композицион' жойулашуви аниқ бўлиши лозим.

Рангтасвири ишлаш чоғида барча ранг жиҳатларни кўздан қочирмаслик зарур. Албатта икки, уч ранг жиҳатларига эга бўлган ҳолатларни нигоҳан қамраб олиш қийин, аммо бу ранг жиҳатларини қиёслаб бориш учун зарур бўлади.

1. Мойбуёкни аралаштириш. Мойбуёқ билан ишлаш жараёни ниҳоятда мураккаб ҳисобланади, бу айниқса сувбуёқдан ўтилганда сезилади. Сувбуёқда қоғознинг ранги аҳамиятли бўлса, мойбуёқда оқ мато юзасининг аҳамияти йўқ.

2. Мойбуёқ билан фақат куруқ ёки нам юзага ишланади, ярим нам юзага ишлаш мумкин эмас. Қуримаган жойга буёқ берилса, у рангини йўкотади. Бирон жой ўзгартирилиши керак бўлса, буёқ пичоқ (мастихин) билан қириб олинади. Буёқ қуриб қолган бўлса, устидан картошка ёки саримсоқпиез сурилиб, сўнгра бошқа буёқ берилади.

3. Буёкни пала-партиш бериш мумкин эмас. Бу шаклни, маконни, хажмни бузилишига олиб келади. Қуюқ берилган буёқ асарни томошабинга яқинлаштиради, юпқа ва текис берилгани узоқлаштиради. Осмон тасвирида юпқа берилган буёқ самаралаш бўлади. Буёқ майдони катталиги этюд ёки сурат катталигига мос бўлиши зарур. Маҳобатли рангтасвирда ранг доғларини қамрови алоҳида аҳамиятга эга.

4. Палитрада буёқларнинг ҳар бирининг ўзига мос жойи бўлиши лозим, шунда рассом эътиборини кўпроқ натурага ва матога қаратиши мумкин. Илик рангли буёқлар одатда юқори қисмга жойлаштирилади, совук, ранглилари пастроққа, белила эса ҳар қандай ўринда туравериши мумкин.

5. Палитра ранги. Одатда рассомлар жигарранг ёки оқ рангли палитрадан фойдаланади. Аммо палитра ранги натура жойлашаётган фонга мос келмайди. Баъзан палитрада ранг тутри танлангандек бўлади, лекин матога тушгач ўзгариб қолади.

6. Матога грунтовка беришдан аввал рамкага тортилади. Матони солқин тортиб қўйилса, у осилиб қолади, бу буёқ, қатламини ёрилиб кетишига олиб келади. Мато рамкага нисбатан 3-4см. кенгрок олинади, унинг иплари йунашши рамка четларига параллел бўлиши зарур. Мато рамкага ҳар томондан баробар тортилади.

7. Матони грунтлаш. Грунт икки элементдан иборат бўлади: юпқа елим қатлами ва бир неча буёқ қатлами. Елим қисми буёкни матога сингиб

кетишдан асрайди. Елим бир ёки икки қатлам қилиб берилади. Грунт буёк мато юзини текислайди, тегишли рангни ҳосил қилади. У 2- 3 қатлам қилиб берилади.

7-мавзу: Мойбўёқлар турлари

Тубдаги юлдузчалар сони унинг ёруғликка чидамлилигини кўрсатади: уч юлдузча— юқори чидамли, икки юлдузча — ўртача, бир юлдузча — паст ёруғликка чидамли. Мойбўёқларни сақлаш муддати ишлаб чиқарилган кундан бошлаб уч йил.

№	Мойбўёқ номи	Ёруғликка чидамлилиги
1	Белила цинковые — оқ	XX
2	Станционная желтая — сариқ	X
3	Кадмий лимонный — сариқ	XX
4	Кадмий желтый- светлый - сариқ	XXX
5	Кадмий желтый средний — сариқ	XXX
6	Кадмий желтый темный — сариқ	XXX
7	Кадмий оранжевый — зарғалдоқ	XXX
8	Золотисто —желтая «ЖХ» тилларанг	X
9	Охра светлая — тупроқ ранг	X
10	Охра золотистая — тупроқ ранг	XXX
11	Смена натуральная — тупроқ ранг	XXX
12	Арзеканская желтая — сариқ	XX
13	Тандзутская желтая — сариқ	XX
14	Марс желтый прозрачный — жигарранг	XXX
15	Кадмий оранжевый — красный — қизил	XXX
16	Кадмий красный светлый — қИЗИЛ	XXX
17	Кадмий красный темный — қизил	XXX
18	Кадмий пурпурный — қизил	XXX
19	Тиондиге розовая — қизил	X
20	Краплак красный светлый — қ и з и л	X
21	Краплак — красный темный — қизил	X
22	Кобальт фиолетовый светлый —бинафша	XX
23	Кобальт фиолетовый темный —бинафша	XXX
24	Охра красная прозрачная — қизил	XXX

25	Охра красная —қизил	XXX
----	---------------------	-----

8-мавзу: Фон таъсирида рангни ўзгариши

Ранг	Фон туси	Рангни оптик ўзгариши
Қизил Қизил Қизил Қизил	Сарик Кўк Зарғалдоқ Яшил	Бинафша-қизил Зарғалдоқ- қизил Кўкимтир- қизил Тўқ- қизил
Сарик Сарик Сарик Сарик Сарик	Қизил Кўк Қора Зарғалдоқ Бинафша	Яшилсимон-сарик Зарғалдоқ Ранг қуюқлашади Яшилсимон-кўк Кучли-сарик
Кўк Кўк Кўк Кўк	Қизил Зарғалдоқ Кулранг Оқ	Яшилсимон-кўк Қуюқ кўк Қизғиш-кўк Тим қора
Зарғалдоқ Зарғалдоқ Зарғалдоқ Зарғалдоқ Зарғалдоқ	Қизил Сарик Яшил Бинафша қора	Яшилсимон-сарик Кучсиз яшил Қизғиш Оч-зарғалдоқ Кучли ёруғ
Яшил Яшил Яшил Яшил	Қизил Кўк Қора Зарғалдоқ	Тўқ яшил Оч-яшил Қуюқ яшил Кўксимон-яшил
Бинафша Бинафша Бинафша Бинафша	Кўк Яшил Кулранг Оқ	Яшилсимон-қизил Қизил-бинафша Қизғиш-кўк Ёркинроқ кўринади

9-мавзу: Тасвир бутунлиги ва композиция маркази

Яхши ишланган шаклли, тугал этюд ишлаш ва тасвирнинг яхлитлигини сақлаб қолиш – ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ёш рассом дарҳол бажариши қийин. Одатда ёш рассом этюдида турли маконий ўринларда жойлашган натура қисмлари, ранг ва тус суртмалари бир хилдаги кўринишда тасвирланади. Олд ва орқа пландаги натуралар бир пайтда кўзга ташланади, бугун этюдни бузиб туради. Буларнинг барчаси натурани яхлит тарзда кўриш, умумлаштириш, композиция марказини белгилай олиш қобилиятини йўқлигидан келиб чиқади.

Тасвирнинг бутунлиги ва яхлитлиги бу кўриш умумийлигининг натижасигина бўлиб қолмасдан, балки мақсадга мувофиқ равишда энг муҳим композиция марказини белгилай олиш қобилияти ҳамдир. Рангтасвир этюдининг композицион бутунлиги бош ва иккинчи даражали қисмларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Энг муҳим қисм одатда асар юзасининг оптик маркази яқинида жойлашади. Уни ажратишда рассом қисмларни умумлаштиради, натуралар композицион марказидан узоқлашаётган тус ва ранг кучсизлантирилади, бош жиҳатга барча тус ва ранг муносабатлари бўйсундирилади. Буларнинг барчаси тамошабин нигоҳини асарнинг композицион марказига йуналтириш имконини беради.

Маълумки кўрилаётган объектнинг нигоҳий образи танлаш ва умумлаштириш натижасида вужудга келади. Инсон бир гуруҳ буюмга нигоҳ ташлаганда бирор бир нарса алоҳида ажралиб кўринади, қолган ашёлар хира тортади бу нигоҳ марказининг ҳосил бўлишидир. Нигоҳий образнинг марказий қисми энг кучли ёруғлик ва ранг контрастига эга. Рассом нигоҳий идрокнинг иккинчи даражали қисмларини кўринишдек хусусиятини ҳисобга олиши зарур.

Сюжетли асарларнинг яхлитлиги ҳам тасвирланаётган буюмлар ва объектларни композиция марказига бўйсундириб яратилади. Руй бераётган ҳолат мантиқи, персонажларнинг психологик ўзаро алоқаси тасвирнинг умумий яхлитлигини яратишда қатнашади. Кўриш нуқтаси, симметрия ва

оҳанг, тус ва ранг тафовутлари, чизиш усуллари, мато катталиги ва шакли сингари композиция тузилманинг расмий жиҳатлари шуларга хизмат қилади.

Натурани тасвирлаш чизигидаги ноаниқликдан кутилиш, композиция марказини ажратиб олиш вазифаси асосидаги тасвирни аниқ ташкил этишга эришиш учун 3 — 5 буюмдан иборат учта вариантдаги натура ишлаш таклиф этилади.

10-мавзу: Тасвирлашда ранглар мужассамлиги

Картина колорита ҳаққонийлиги, умумий тус ва ранг ҳолатини аниқлашда натура рангига ёруғлик рангининг таъсирини ҳам назарда тутиш керак.

Ёруғлик манбаи нурларининг ранги буюмлар рангига маълум миқдорда ўз таъсирини ўтказадн. Иссиқ қуёш нури буюмлар ёритилган қисмларини бирлаштиради. Хона муҳити ёруғлиги девордан таралган акс нурлари, шунингдек бошқа буюмлардан ҳам ўзаро таралган нурлар орқали буюм ранглари бир — бирига яқинлашади.

Кечки сунъий ёруғлик нурида нарсалар ранг сарғиш — зарғалдоқ кўринади. Эрталаб тилласимон — бинафша тусда, кечкурун сарик — зарғалдоқ, булутли кунда кумушсимон рангда кўринади. Ойдин кечада эса, яшилсимон, нилоби — кулранг куриниш касб этади.

Натура ранги қандай бўлишига қарамасдан, ёруғлик ранги ҳар доим ўз таъсирини кўрсатади. Колоритни аниқлашда ранглар бирлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Табиатда ҳамма буюмлар ўз рангига эга бўлсада, улар бир — бири билан узвий боғлиқдир. Тасвирлашда умумий ранглар ҳолатини эътиборга олмасдан битта ҳам ранг кўйиш мумкин эмас. Буюм ранги ёруғликда ёки сояда бўлишидан катъий назар умумий ранг — ҳолатига боғлиқ. Умумий колорит оҳангига боғланмаган ранг бегона, тасодиф, у ранглар бирлигини, яхлитлигини бузади, бошқа ранглар билан уйғунлашмайди.

Баъзи рассомлар колорит бирлигига эришиш мақсадида қандайдир ранг туси берилган фондан фойдаланадилар. Бунинг учун олдиндан қоғоз ёки мато (холст)ни бирон рангга бўяб оладилар. Бу усулдан XVIII аср рассомлари Рокотов ва Левицкий фойдаланганлар. Рубенс иссиқ рангли фондан фойдаланган. Рембранд эса тўқ — кулранг, Тициан — совуқ — кумушсимон фонда ишланган. Шундай сунъий йўл билан картина колоритида ранг умумийлигига эришганлар. Агар буёқлар калин қўйилган бўлса, фон ҳам натижа бермаслиги мумкин. Шунинг учун ўта кўринадиган буёқларда бўялганда ҳам тагидаги ранг бироз кўриниб турса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шундагина ёруғ жойларга қўйилган ранг ҳам бошқа жойлари билан боғланиб тасвир рангини бир — бири билан умумлаштиради.

Колорит — картинада ранглар туси ва ранглар ёрқинлик ҳолати ўзаро бирлиги мужассамлигидир. Табиатда буюмлар ранги мутоносиблиги камдан — кам учрайди.

11-мавзу: Бўёқлар рангининг кучи

Матода инсон портретини тасвирлаётган рассом шу киши характерига мос ранг кучини доим ҳам бераолмаслиги мумкин. Натуранинг ранг кучини аниқлаш бизни рангни идрок қилиш қобилиятимизга боғлиқ.

Инсон чехрасига қараганимизда, унинг ҳақиқий рангини атроф-муҳит, яъни ёруғлик таъсири, масофа таъсири кабиларда кўрамиз.

Кечкурун, ойдинда ва сунъий ёруғликда ранг сифати албатта ўзгаради. Ёруғлик ранги инсон чехраси атрофидаги ҳамма рангни ўзига бўйсундиради, натура рангини бироз кучайтиради. Масалан, электрнинг зарғалдоқ нурида оқ рангли мато оқ булиб кўринади. Аммо унинг иссиқ ранги унчалик эмас. Ҳақиқатда мато оқ ранг таралиш миқдори катта эмас.

Электр ёруғлигидаги оқ мато зарғалдоқ ранг тарқатиши, апельсиннинг кундуз кунини тарқатаётган рангидан кучлидир. Агар бу оқ матони кечкурун ёки электр ёруғлигида тасвирламокчи бўлсак, уни албаггта ёрқин ва тўқ рангда оқ бўёқ аралаштирмасдан тасвирлаш керак. Биз ишлаётган портрет

ранг гаммасида оқ бўёқни кўп ишлатсак унинг табиий колоритини аниқлай олмаймиз.

Колорит ҳар доим ҳам ранг кучи асосига қурилмай, балки нейтрал ранглар, ранг туси ва натура ранглари муносабати асосида қурилиши мумкин. Бу ҳолат Серов ва бошқа рус реалист рассомлар асарларида акс этган. Чарақлаган қуёш нурида натура ранги оқариб, улар орасидаги фарк даражаси камаяди ёки йўқолади. Булардан ҳам рассом тасвири ҳаққоний ва жозибали чиқишида маҳорат билан фойдаланиши мумкин.

Баъзи рассомлар нафис тасвирий санъатда ранг ёрқинлигини ёки бўёқлар чарақлаб туришини хуш курсалар, баъзилари оқиш - хира ва унча кучли бўлмаган рангларни маъқул кўрадилар. Аммо, ёрқинлик, бўёқ кучи, оқиш — хиралик колорит қимматини оширмайди.

Ҳақиқий колорит маълум ёруғликда натура рангини тасвирилаш, табиат ҳолатини ва образни очиқ бериш билан боғлаш рассом учун муҳимдир.

12-мавзу: Ишни методик кетма-кетликда олиб бориш

Агар манзарада тўғри қуёш нурисиз ва чуқур сояларсиз ўртача ёритиш устунлик қилса, ва енгил булутлар билан бурканган ёруғ осмон бўлса, бутун манзара ёруғ-соя муносабатларига нисбатан катта ранг аҳамиятига эга булутли куннинг майин ёритилишига эга бўлади.

Бўёқлар бирлашуви, хусусий ва шартли рангни қиёслаш картина ижросида етакчи аҳамият касб этади. Бинолар архитектурасида ранг рельефга нисбатан сезиларлироқ бўлади; сурат нафислиги, орнамент ранги деталлар пластиклигига нисбатан кучлироқ таъсир қилади. Бундай ташқи қирраларнинг жамланиши бутун картинага сокин тус, майин, уйғун, лирик характер бахш этади.

Оғир булутли осмонга, қоронғи ва кам ёрқин планлар контрастига эга қоронғу планлар устунлик қилса, бутун манзара жўшқин куннинг кескин ёритилишига эга бўлади.

Ёруғ-соя контрасти усуллари етакчи аҳамият касб этади. Марказий иншоотларнинг ёрқин ёритилиши қоронғилашган атроф муҳит билан қарама-қарши қўйилади. Бундай ташқи қирраларнинг бирлаштирилиши манзарага тўлқинланувчи, драматик характер бағишлайди.

Булутсиз осмон ва тўғри қуёш ёруғлигига эга ёрқин ёритилган планлар манзарада кўп жойни ташкил қилса, бутун картина енгил, ёруғ тушувчи сояларга, ранги жиҳатидан тўйинган хусусий соялар ва рефлексларга эга умумий оқарган тусга киради.

Ёруғ-соя муносабатлари, шакллар рельефлиги алоҳида куч билан яққол кўринади. Ёритишнинг бундай характерли қирраларининг қўшилиши манзарага қувноқ, байрамона, тантанали кўриниш беради.

Шундай қилиб мойбўёқли рангтасвир колорит қонуниятларига асосланган техник усуллариининг таърифланган услубияти рангтасвир ва архитектуравий графиканинг ижодий амалиёти учун объектив асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

13-мавзу: Умумий ранг ечимига эътибор бериш

Рангли тасвирни саводли ифода этиш учун натурани қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг рангли фарқларини кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвирлаш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Рангли муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Мойбўёқ техникасида ёруғ-соя қуришнинг икки усули билан мувофиқликда ёрқинликнинг биринчи босқичини бериш учун умумий ва қисман ранг тайёргарлиги усуллари мавжуд.

Умумий ранг тайёргарлиги ёруғлик муҳитида устунлик қилувчи ва кўринаётган табиатни унинг маълум ва характерли туси ҳамда ёруғ-сояси

билан умумий колоритни берувчи дастлабки манбанинг тўғри ёруғлигини бериш зарурияти туфайли юзага келади.

Қисман ранг тайёргарлиги предметларнинг кейин соялар ва узок планлардаги шартли рангларнинг умумий колорити билан боғланувчи хусусий рангининг хусусияти ва хилма-хиллиги кучли намоён бўлганда тарқоқ ёруғликда юзага келади.

Умумий тайёргарликнинг танланган ранги табиатда ёритишнинг маълум ва характерли ҳолатини тасвирлашга асосланиши керак. Натурадан ишлашда умумий тайёргарлик ранги бевосита идрок қилинган колорит қирраларини ўзида мужассам қилиши керак; тасаввурга кўра ишда у колорит билан, ғоянинг берилган образли моҳияти билан белгиланиши керак.

Портрети композиция яратишдан олдин компоновкасини яхшилаб ўйлаб кўринг Сизга керакли бўлган деталларни олиб кераксизларини компоновкада тасвирламанг. Веласкасни кичкина асарларини кўриб ўзиз шунга гумон бўласиз.

Колорит деганда ҳамма кўриниб турган нарсаларнинг ранг қиёфаси тушунилади. У ёруғлик, кўриб идрок қилиш ва фикрлашнинг қатор қонунларига боғлиқ.

Бизнинг вазифамиз мана шуларни кўрсатиш: колорит табиатда қандай юзага келади, қандай англанади ва кейин тасвирда ифодаланади; умумий ва жузъий колоритни юзага келтирадиган қонуниятларни, предмет ёруғ-сояси, унинг хусусий ва юзага келган ранги, ёруғлик таъсири остида предмет ташқи

қирраларининг ўзгаришини очиб бериш; бизнинг онгимизда колорит ҳақидаги тасаввурни юзага келтирадиган қонунларни кўрсатиш ва ниҳоят, картина текислигида реал колоритни акс эттиришга ёрдам берувчи техник усулларни кўрсатиш. Шундай кетма-кетликда бизнинг ифода тарзимиз ривожланади.

Ранглар муносабати усулидаги рангтасвир тжараёнини мусиқа охангларига қиёслаш мумкин, яъни алоҳида товушлар ўз ўзидан ҳеч нарсани акс эттирмайди, аммо бошқа оханглар билан мужассамлашганда зарур

таассуротни беради. Товушларнинг бир-бирига боғлиқлиги бузилса, оханг мавжудлиги йўқолади.

Худди шу ҳолатни рангтасвирда ҳам таққослаш мумкин. Тусли ва рангли муносабатларни кучли ёки кучсиз ёруғлик ва тўйинган ранглар йиғиндисидида қуриш мумкин, лекин шу билан бирга жисмларни туси ва ранг кучининг натурадан образли кўринишда мос равишда бир бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

14-мавзу: Нусха кўчириш жараёни

а) талаба асарга картон тайёрлаб, картондан калькага кўчириб сўнг олдиндан тайёрланган таг асосга чизиқ ёрдамида кўчирилади. (Асар рангтасвир бўлса мўйқалам ёрдамида кўчирилади)

б) чизиқларини аниқлаб, таққослаб бўлгандан сўнг соя ва ёруғларга эътибор берган ҳолда талаба ўзи аниқлаб олган қаламда қоғос фактурасига эътибор берган ҳолда асарни кўчириш жараёнига ўтади.

в) асар стилистик усул-услуб қўлланилаётган материаллар эътиборда бўлиши шарт.

г) асар нусха кўчириш жараёнида бир қисмдан бошлаб айтайлик бир комат бошлар деталларга тугаллаб бориши методи ёки катта қора ёки оқ доғларни ёруғ сояларни эътибор билан ҳар бир жараён ўша уста рассомни усул-услуби, манерасидан келиб чиқган ҳолда бажарилиши зарур.

д) Асосий тугалланиш жараёнида талаба ўзаро кесимларни бир-бирига таққослаб, нусха учун танланган асарни ўзи нусха кўчириш иши билан таққослаши камчилик ва тузатиш ишлари олиб борилади. Асардаги ва талабанинг нусха кўчириш ишидаги стилистик, қатламларнинг йўғон ингичкалиги ишлаш усулига эришилганда нусха кўчириш иши якунланади.²

² Э.Бергер «История развития техники масляной живописи». М., 1961.

15-мавзу: Асардан нусха кўчириш жараёни

Талаба жаҳон буюк тасвирий санъат асарлари намоёндалари билан танишиб, ўрганиб амалда асарларни асл нусхасидан, ўқиб ўрганиш учун нусха кўчириб боради. Ушбу жараён талаба учун ўта масъулиятли ҳисобланиб, асар тағ асосидан бошлаб грунт, мой қатлами иш усули технологияси жараёнини мантиқан англаб олиб, ҳар асарни ўзига хос сатҳи, мактабларга оидлигини аниқлаб, керакли адабиётлар билан танишиб барча услубий жараёнларни пухта ўрганиб боради.

Қадимги жаҳон, Оврупа, Рус ва ўзимизнинг буюк ўтмиш мерос санъат асарлари намоёндаларидан ўрганиш мақсади сари йўналтирилган, мақсадга оид ҳарактерга эга бўлган илмий-ижодий жараёндир.

Нусха кўчириш учун асар танлаш пайтида оддий, тушунарли асарлардан бошлаб, кейинчалик мураккаблашиши мумкин ва бунда талабани қизиқиши, хусусиятини ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Вазифа якка тартибда раҳбар назорати остида бажарилади.

Бадий асар яратишда яхши натижага эришиш учун унинг асоси композиция эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун бош қаҳрамонни картинада кўп ҳолатларда бош ҳаракат композициянинг иккинчи планида жойлаштирилади. Биринчи план иккинчи планга ёрдам бериб, уни кўришга замин яратади. Қолган планлардагилар кўшимча вазифани амалга оширади. Биринчи пландагилар билан ягона муҳит ҳосил қилади.

Бунга мисол, Рафаэльнинг «Афина мактаби», А.И.Ивановнинг «Исонинг халққа кўриниши» асаридир. К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнги куни» картинасида эса Италиянинг Помпей шаҳри тарихидаги фожеа акс эттирилган. Рассом мавзудан келиб чиқиб асарни ечишга изланиш олиб борган. Композиция тузилиши оч ва қора ранг, туслар, ритм контрасти асосида топилган. Бош гуруҳ қоматлар картина бўшлиғининг иккинчи планида жойлаштирилган. Энг кучли ёруғлик ана шу иккинчи пландаги

қоматларни ёритади. Қоматлар эса кескин ҳаракатларда тасвирланган. Биринчи пландагилар бош қаҳрамон(ҳаракат)ни кўришга замин яратади. Учинчи план ҳам маълум даражада композицияга ва фикр уйғунлигига, воқеани катта фожеалигини кўрсатишга ёрдам беради. Иккинчи пландаги динамикани мустаҳкамлайди. Картина композициясида ёруғ ва қорамтир қисмлари ритмик такрорланади. Асарнинг яхлитлиги ва мутаносиблиги тус ва ранглар кучининг контрасти ҳисобига амалга оширилган.

Рассом кўп қоматли композиция устида ишлаб асар яратар экан, унинг кўзи олдида воқелик ҳолати намоён бўлади. У воқеликнинг маълум бир кўринишини акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу рассомнинг имконияти чегараланган, дегани эмас. Рассом бир воқеликни тасвирлар экан бошқа воқеликка туртки беради, ундайди. Ижодкор ўз композицияси ҳақида ўйлар экан, қайси воқеликни акс эттириш ва қайси тамонини ривожлантириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Атроф муҳит борликни типиклаштириш ва умумийлаштириш қонунига эса композиция ишлаш даврида алоҳида аҳамият берилади. Чунки, рассом томонидан яратилган бадиий асарда типажлар орқали томошабинга ҳаёт ва турмушни англашга ёрдам беради. Рассомларнинг реал кўриниш(натура)дан фойдаланиш усули ҳар хил бўлсада, ёш рассомларга улардан тўғридан-тўғри картина яратиш ёки яхшироқ чиққан этюдни катталаштириш билан асар яратиб бўлмаслиги тавсия этилади. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, реалистик бадиий асар яратадиган рассом ҳар доим реал кўриниш(натура)ни ўрганиб маҳоратини ошириб бориши муҳимлиги қайта-қайта таъкидланади. Табиийки бу талаб асардаги у ёки бу образни очиб беришда жонли табиатни кузатиш ва уларни чизмаларда акс эттириб келиш, шунингдек, улардан моҳирона фойдаланиш санъат асарининг жонли, табиий чиқишига яқиндан ёрдам беради.

Асар яратиш жараёни-ижодий жараён бўлиб, кўп изланишга, мукаммал билимга, тайёргарликка, маълум тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Тайёрланган чизгилар, этюдлар, йиғилган ашёлар асарнинг биринчи

белгиларидаёқ тўғри келмаслиги ва камлиги, бадийлиги жиҳатидан ҳам пухта топилмаганлиги яққол кўриниб қолиши мумкин. Композиция ишлаш жараёнида тасвирланаётган қиёфа, буюм, унинг шакли ва рангини, нур ва сояни этюдлар билан таққослаш лозим. Зарур бўлганда янгисини ишлашга тўғри келади. Бундай текширишлар, изланишлар ёш рассомни кўп хатоликлардан холис этади. Реал кўриниш(натура)дан кўшимча ашёлар йиғиш янгидан қарашга, янгича образ топишга, янги типик қиёфалар кашф этишга имкон беради. Композицияда қаҳрамон образини узоқ излаш жараёнида бир ёки бир неча кишилардан этюдлар, чизматасвирлар ишлаш қаҳрамон образи характерини янада тўлдиришга ёрдамлашади. Шунингдек, ёрдамчи маълумотлар, ашёлар йиғиш усули манзара, картина, портрет, сюжетли мавзули асар яратиш жараёнига ишлатилади. Бу усулни қўллаган ҳолда рассом бир вақтда композицияга аниқлик ва унга қисман ўзгартиришлар киритади. Кўриниши ўзгартирилган композиция жонлироқ ва олдингисига нисбатан тўлақонлироқ чиқади.

Композицияда тасвирланаётган шакллар орасида муҳимроғини бошқалардан ажратиб кўрсатилади. Картина текислигидаги жами шакллар тенг аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун энг асосийси марказда ёки марказга яқин жойлаштирилади. Ажратиб кўрсатишда рассомлар; тасвир ўлчамини, ёритилишини, шакллар ва ранглар фарқи билан амалга оширадилар. Агар фарқлар кескин кўрсатилган бўлса, биз уни контрастда кўрамиз. Асосий шаклларни ажратиб кўрстиш учун, бошқа шакллар ўлчамини кичрайтириб, тусини пастроқ ёки фон тусига яқин қилиб тасвирланади. Ҳаётда шаклларни бир-бири билан сифат ва катталигини чоғиштириб аниқлаймиз. Шунингдек чизиқлар характерида, силуэтда, ҳажмда, оғир ва енгиллигида намоёндыр.

Муҳим қиёфани ажратиб кўрсатишда перспективадан фойдаланиш ўринлидир. Агар бош қаҳрамонни ажратмоқчи бўлсак, уни биринчи планда жойлаштирилади ва у йирик бўлиб кўринади.

Композиция маркази картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилади. Композиция яхлитлиги иккинчи даражали нарсалар биринчи

даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга бирлаштиради. Иккинчи даражали нарсалар ортиқча диққатни тортиб кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинада шакллар бир хил аҳамиятли бўлиб пала-партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойда жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.

Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлашда уни марказда жойлаштиришдан ташқари бўёқ қўйиш усули билан ҳам амалга ошириш мумкин. Иккинчи даражали қиёфалар ёки иккинчи план шакллари ишлашда умумлаштирилади.

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картинани табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картинанинг муҳим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан ҳам амалга ошириши мумкин. Картинада тасвир воситаларидан бири **перспективадир**. Текислик юзида уч ўлчамли ҳар қандай қурилмасини ҳозирда перспектива деб атайдилар. Текислик бўшлиғида перспектива қурилиши кўпинча архитектура лойиҳаларида ишлатилган. Перспектива бир нуқтадан туриб қараганимизда ҳосил бўлган бинолар чизиқли перспективасини тушунсак, бундан ташқари ҳавоий перспектива, ранг перспективаси, картинада эса муҳит перспективаси ҳам мавжуд. Мавзули композицияда уч ўлчамли тасвирни перспективасиз амалга ошириш қийин. Рассомлар аллақачон картина текислигида тасвирни перспектива воситасида шаклларни, воқеаларни маконда жойлаб картина чуқурлигини ҳосил қиладилар. Перспективада картина композицияси қурилишида кўриш нуқтаси, горизонт чизиғи муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир буюм ёки натура қайсидир томонидан кўпроқ образли хусусиятга эга бўлади. Горизонт чизиғини танлашда чапдан ва ўнгдан, яқин ёки узоқдан қараб натурани ифодалаб, характерли томонидан тасвирлашга ҳаракат қилиш керак. Перспективада қараш бурчаги ва қараш нуқтаси картина композиция тузилишида муҳим элемент ҳисобланади. Масалан: манзарада одам тасвирини жойлаштиришда уни олдинги планларга олиб келиш қоматни йўқолиб кетишидан сақлайди. Шунингдек ўта олдинги планга чиқариб юбориш ҳам нотўғри. Шунинг учун кўриш нуқтасини танлашда композициядаги гуруҳ, одамлар ва табиат бўшлиғи мутаносиб бўлиши керак.

Агар картина текислиги тасвирланаётган қиёфалар билан нотекис тўлдирилган, чизматасвири бир чеккага жойлаштирилган бўлса, картинанинг бир қисми оғирлаштирилиб, қолган жойи ўта енгиллаштирилган бўлиб идрок этилади. У ҳолда мувозанат кўринмайди. Бундай тасвирлаш бизнинг уқиб олишимизга ҳалақит беради, нотўғри ташкиллаштирилган кўринади ва табиийлигини йўқотади.

Композицияда мувозанатлиликини картина текислигида тасвир элементларини чап ва ўнгда, юқори ва пастда бир текис жойлаштириш билан амалга оширилади. Картина текислигининг ўртасидан веритикал ўқ чизиғининг чап ва ўнг томонларига тасвир элементларини тўғри жойлаш муҳим аҳамиятга эга. Муҳими, бош воқеяликни композиция марказидан бир томонга суриш зарур. Композиция мувозанатида тасвир шаклларида ташқари унинг туси ва ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичкина қорамтир шакл катта оч рангли шакл билан тенг кўриниши мумкин. Бир томондаги ёрқин ранг иккинчи томонда ҳам бўлишини талаб қилади.



16-мавзу: Калькага тушириш

Рангтасвирлардан нусха кўчиришда ҳам ўзига яраша қонун-қоидаларга амал қилиниши лозим. Бунинг учун аввало, талаба ўрганиши ва ўзлаштириб ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлари мавжуд бўлган асар намунаси танлаб олинади. Унинг ўлчамлари аниқланиб, сўнг уша ўлчамдан бир, бир ярим сантиметр кичикроқ ёки каттароқ мато танланади. Бунда аслият қандай матога (катта тўқимадами, ёки майин сатхлими) ишланганига қараб иш юритилади. Нусха учун аслиятдаги каби материаллар танланиши муҳин. Шунда асл нусхаси оригиналга ўхшаб чиқишига эришилади. Агар асар музей экспонати бўлса, унинг репродуксийси қўл остида мавжуд бўлса ана шу

намунананинг кичик суратини катакларга чизиш орқали катталаштириб тархини тушириб тайёргарлик қилиб олиш мумкин. Бунда албатта асарнинг тасвири масштабга мувофиқ олиниши керак. Шунингдек асарда қандай бўёк турлари ва хилларидан фойдаланилганлигини анқлаб олиш тақоза этилади. У суюқ ёки қуюқ суртмаларда ишланганлигини билиш, ўрганиш ҳам муҳим. Нусха кўчирувчи фақат тасвир режаси эмас, балки рассом услубини, техник ёллариини ҳам ўхшатиш, ундан маҳорат сирларини ўрганиши лозим.

Холст (мато) рангтасвир учун махсус тўқилган, чидамли дағал мато. Унда матонинг дағаллиги мойбўёқлар билан тасвир ёзишда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Устоз холстнинг бу хусусиятидан тасвир ёзишда усталик билан фойдаланган. У киши ўртача ёки катта ҳажмдаги манзараларни тасвирлашда кўпроқ майдай тароқли матодан фойдаланишни хуш кўрган. Жажжи расмларни ишлашда эса йирик фонли холстни қўллаганлар. У манзараларни ишларкан, холстни рангли бўёқлар билан чаплаштириб (оғирлаштириб) юбормасди. Кўп ўринда холст доналарининг (тўқимасининг) жилвасини йўқотмаасликка ўринарди. ва ўзига хос нафис асар ёзишга муваффақ бўган.

Грунтланган холстни подрамникка тортишда уни намламаслик керак, чунки у қуриганидан сунг майда ёриқлар ҳосил қилиб, бўёқларнинг богловчиларини шимади, бу эса боёқларнинг рангсизланишигагина эмас, балки уларни мустаҳкамлигига ҳам таъсир қилади. Грунтланган ёки тоза холст олдинига подрамникни бурчакларга вақтинчалик мих билан қоқиб чиқилади, кейин холстнинг о`рта қисмидаги иплари подрамникка параллел ҳолга келганидан сунг қоқиб чиқилади.

Шундан кейин михлар подрамникни о`ртасидан тортиб унги ва чап томонга қараб тортиб чиқилади.

Холст маҳкамлангандан сунг подрамникни бо`рчакларидаги михлар суғириб ташланади. Холстни подрамникка тортиш учун махсус қискичлардан фойдаланилади. Холстни қоқишда кичик ва о`ртача подрамникларга

михларнинг оралиги 3-4 смдан, катталари учун эса 6-8 смдан қўйилади. Холст конуссимон михларда қоқилади.

Рангтасвир ҳаққоний шаклнинг рангли тузилиши қонуниятларига асосланган. Рангтасвирни ўрганиш – бу текисликдаги рангли шаклнинг нисбатлари, конструктив қурилиши, ҳажми, фазовий тузилиш усуллариини излаш йўлидир. Шуларга боғлиқ ҳолда ҳар-бир рассом қаламда буюм ва нарсаларни перспектива қонунларига асосланиб конструктив тузилиши, фазовий жойлашуви, нисбат, ҳажмни мукаммал тасвирлай олиши зарур. қаламатасвирда ранг ва туснинг яхлит бир бутунликда гармоник уйқунлашуви бу ҳақиқий рангтасвирдир.

Тасвирда қаламсурат мукаммал бўлиши лозим, акс ҳолда турли бўёқлар ҳам оддийгина нарса ва буюмнинг қурилиши, ҳажмини саводли ифодалаб бермайди. Ҳаво перспективасига боғлиқ.

17-мавзу: Рангтасвир санъати

Талабаларни ўзимизнинг туғилган юртимиз тарихи ва санъати билан таништириш. Ўзбек санъати қадимий тарихга эга. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий жамоа давридаёқ одамлар яшаган. Улар яшаган манзиллардаги қоя суратлар, бронзадан ясалган турли хилдаги тақинчоқ, меҳнат ва уруш қуролилари ибтидоий жамоа даври кишисининг ҳаётини билишга ёрдам беради. Бу сурат бирмунча жўн, содда бўлишига қарамай ибтидоий жамоа даври кишилари ҳаёти, уларнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилаётган вақт ишонарли талқин этилган. Чопиб бораётган ёввойи қўтос, шохли буқалар ва ниқоб остига яшириниб ҳужум қилаётган одамлар тасвири орқали ибтидоий жамоа даври рассоми шу ов манзарасидаги кучли ҳаракат ва ҳаёжонни усталик билан кўрсата олган. Суратда, айниқса, ҳайвонлар тасвири ифодали чикқан. Улардаги куч, эпчиллик ҳаётий талқин этилган. Ўр деворларига ишланган суратлар Ўзбекистонда, жумладан Бойсун ва Термез туманлари, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Хоразм, Фарғона туманларидан

археологлар томонидан кўплаб топилган. Бу суратларнинг нигатикаси жуда чегараланган. Асосан ҳайвонлар тасвири ёки ов манзаралари инъикос этган. Шу билан бирга уй ҳайвонлари ҳам тасвирланган. Бу тасвирлар ибтидоий жамоа тузумидаги ўтроқ ҳолда ҳаёт кечираётган одамларнинг теварак-атрофни ўзига бўйсундириш, улар тафаккурининг тараққий этиб бораётганини тушунишда муҳим роль ўйнайди. Эрамиздан аввалги асрнинг охирлари ва янги эранинг бошларида Ўзбекистонда кулолчилик борасида жиддий ривожланиш сезилди. Турли шаклдаги хум ва кўзачалар кўлда бажарилган. Уларнинг ташқи безагига эътибор берилганлиги сезилади. Кейинчалик хум юзаси чизиқли нақшлар билан безатила бошланган. Бу даврларда олтиндан, кумушдан безак ва амалий буюмлар ишлаш санъати ҳам кенг тарқала бошлаган. Тасвирий санъатда ҳам мавзу кенгая борган. Бу ўринда юз манзараларини акс эттирувчи бўртма тасвирлар, жангчилар образи диққатга сазовордир. Қулдорлик даврида ҳам Ўрта Осиёда санъатга қизиқиш кучли бўлган. Бойларнинг уйи, ибодатхона деворлари суратлар, нақшлар билан безатилган. Эрамизнинг бошларига келиб, иқтисодий жиҳатдан бир мунча илгари силжиш юз бера бошлади, шаҳарлар қурилиши жонланди. Бу давр санъатида Грек санъатининг таъсири борлиги сезилади. Ҳайкалтарошлик санъати кенг тарқалди. Бундай ҳайкалчалар Сўғд, Хоразмдаги шаҳарчалардан кўплаб топилган. Шу билан бирга Будда ва унинг шогирдлари тасвири жуда кўп учрайди.

Хоразмда топилган ёдгорликлар, айниқса Тупроққалъадан (III-IV аср) кўлга киритилган ҳайвон ва деворий расмлар қадимги ўзбек санъатини билишда муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилади.

VI-VIII асрлар халқ санъати, маданият тарихида кўтарилиш даври бўлди. Бу асрларда кўплаб йирик монументал иншоотлар, ҳашаматли бинолар қурилди. Варахша (Бухоро вил.), Афросиёб (Самарқанд вил.)даги сарой қолдиқлари, уларнинг деворларига ишланган суратлар яратилган ҳайкаллар юксак маҳорат билан ишланганлиги ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек санъати тарихида янги босқич бошланди. Бу даврда халқ декоратив-амалий санъати етакчи ўринни эгаллади. Бу санъат шу давр кишилари учун воқеликни, теварк-атроф гўзаллигини юксак поэтик шаклларда акс эттирувчи, уларнинг ҳаёт, гўзаллик тушунчаларини ифодаловчи бирдан бир санъат тури бўлиб қолди. Қўли гул халқ усталари яратган нафис заргарлик буюмлари, кулолнинг ажойиб сапол буюмлари, наққошнинг безакларида шу давр кишиларининг воқеликка бўлган эстетик муносабати, эстетик идеали, ҳаёт тўғрисидаги фалсафий қарашлари ўзининг бадиий талқинини топди. Усталарнинг ижодида ўзбек халқининг бой ўтмиши анъаналари давом эттирилди.

18-мавзу: Рангасвирда манзара жанри

Манзара - французча «Пейзаж» сўзидан олинган бўлиб, «Табиат» деган маънони англатади, тасвирий санъатда эса табиатнинг табиий ёки ҳаёлий кўринишларини ифодаловчи жанр ҳисобланади.

Манзара мотивларини кенг қўлланилганлигини Қадимги Шарқ ва Критдаги фиръавнлар ови ёки ёввойи ҳайвонлар тасвирида кўрамиз. Бу тасвирлар эрамиздан аввалги XX, XV асрларга таалуклидир. Бу ҳақда юқорида мисоллар келтириб ўтдик.

Ишнинг бошланиш қисмида нималар қилиш, ўртасида қайси масалаларни ҳал этиш ва охирида қолганда уни қандай яқунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангасвирда қуйдаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

- Умумий тус ва ранг ҳолатлари ва натура бўёқларнинг бир-бирга яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;
- Катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг «чўзилиши», алоҳида бўмларнинг ҳажми шакиларининг батафсил рангли қайта ишланиши;

•Бутун тасвирнинг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш. Бу масалаларнинг ҳар бири нима билан якунланиши кетма-кетликда кўриб чиқамиз.

Рангтасвирда ҳам, иш бошлашдан аввал натурадаги умумий ранг муносабатларини диққат билан ўрганиб чиқиш лозим. Шунинг учун бу масалага 5-10 минут вақт сарфлаб, натуранинг умумий ранг муносабатларини тушуниш керак: энг оч ва энг тўқ (зич) доғ қаерда, туси ва ранг кучи бўйича асосий фарқлар (тўйинганлиги) қандай эканлигини топиш керак. Масалан, натурадаги сариқ олмалар фондаги сариқ мато билан солиштирилса, олмалар матодан очроқ уларнинг сариқ туси сариқ матога нисбатан ёрқинроқ (тўйинган) кўринади. Рангнинг уч хил ўзига хослиги бўйича натура кўйилмасидаги буюмларнинг асосий ранг хусусиятлилиги мавжуд.

Объектдаги умумийлигни топилиши расомни натурадаги иккинчи даражали белгилар унинг майдай бўлакларга, калоритли масалага мустасно ҳолда эътибор беришдан, умумий тус ва ранг холатини, асосий тус ва ранг муносабатларини пайдо қилишдан чалғитишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб натуранинг ранглар қонуниятларида ҳам, асосига эршилади, этюднинг кейинги майда деталли ишларига пойдевор яратилади.

Ранг муносабатларини энг аввало оч ва интенсив рангларни қидиришдан бошлаш керак, сўнг энг тўқини топиб, қолганларини эса шуларга нисбатан аниқлаш маъқул. Кейинги тусларга бироз тўқроқ ва бироз интенсив бўлганлар ва бошқалар кирасди. Мураккаб кулранг туслар охирида берилади.

Дастлабки ва якунловчи тусларни ҳар доим ҳам энг оч ва энг тўқ ҳамда тўйинган қилиб олинмайди. Кўйилмадаги энг оч жой ҳар доим ҳам оқ бўлавермайди, энг тўқ жой эса қора бўлмайди. Кучли тўйинган ёрқин ранглар ҳам камдан-кам учрайди. Натюрмортдаги қизил помидорни одатда ёрқинлиги бўйича тоза қирмизи рангда эмас, балки уни 50% га сустроқ тусда бериш маъқул. Ҳаттоки баҳорги ўт - ўланларни тасвирлашда жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Унинг ёрқинлигини шундай кучайтириб тасвирлаш мумкинки,

натижада у ўзининг табиий кўринишидан бошқача бўлиб чиқиб қолади. Шунинг учун ишга киришишдан аввал умумий тус ва ранглар кучини аниқлаб олиш керак: муносабатларни қандай бўёқлар йиғиндисиди бажариш – оч ёки тўқ, ёрқинликнинг (тўйинганлик) қандай чегарасиди бўлишини ҳам аниқлаш муҳим. Қисқа қилиб айтганда, натуранинг умумий тус ва ранг ҳолатини билиш керак. Бундай ҳолатни сақлаб қолиш учун балки ранглар муносабатини чегараланган бўёқларда тасвирлашга тўғри келади. Ишни энг оч, тўқ ва ёрқин туслардан бошлаганда политрадаги барча ранглардан, шу билан бирга энг ёрқин ва кескин бўёқлардан фойдаланиш шарт эмас.

Рассомларнинг амалий тажрибасиди шундай жумлалар мавжуд : “катта ёруғлик” , “катта соя” , “катта шакл” , “катта ранглар муносабати” . Булардан мақсад натура объектини яхлит кўриш ва уларни барқарор қилиб тасвирлашдир.

Матонинг тўлиқ юзаси бўёқлар билан буткул қопланиб, муносабатлар тўғри олинмагунча ҳақиқий жарангдор бўёқларни, ёруғлик кучини ва тасвирланаётган буюмлар моддийлигини ҳис қилиб бўлмайди. Палитрадаги ёрқин бўёқ - ҳали матодаги ёрқин тус эмас. Буюмларнинг ёритилиши ва материаллиги муносабатларнинг тўғри олинишига боғлиқ, акс ҳолда ён тарафдаги туслар тўғри топилмаса, қайсидир бир рангнинг жарангдорлигига эришиб бўлмайди.

Рангтасвир ишлаш жараёнида ранглар муносабатини тўғри аниқлаш билан бирга, шуни ёддан чиқармаслик керакки, биз фақат оддий ранг доғлари билан эмас, балки аниқ бир шакл устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Ранглар муносабатини излашдан мақсад, тўғри топилган ранг туслари билан натурани, унинг хажмли шаклини тўғри топиш демакдир. Агар ранг буюмнинг фазовий жойлашуви, материаллиги ва аниқ шаклини ифода этмас экан, у тасвирда ўз маъносини йўқотади. Оч ва тўқ, рангли ва рангсиз бўёқ суртмалари маълум бир буюм шаклига ва объектга тегишли бўлсагина, материаллик, ранглар уйғунлиги ва колоритни яратади.



